

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқукида
УЎК: 37.018.43:004
37.018.46/.48:004

ЧОРИЕВ ИЛХОМ РУЗИБАЙОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА
МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари
доктори, профессор М.Мамадазимов

Чирчиқ – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
1.1. Педагогик лойиҳалаштириш мазмуни ва илмий асослари.....	12
1.2. Малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва роли	18
1.3. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари	31
Боб бўйича хулосалар.....	50
II-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШГА ТАЙЁРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ	54
2.1. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида олий таълим муассасалари педагог кадрларини малака ошириш жараёнларида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш	54
2.2. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг методологик хусусиятлари	69
2.3. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделининг асосий таркибий жиҳатлари	80
Боб бўйича хулосалар	89
III-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ	

ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....	94
3.1. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини самарали амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари.....	94
3.2. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш технологияси.....	102
3.3. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича тажриба- синов ишлари натижалари	109
Боб бўйича хулосалар	116
ХУЛОСА.....	119
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	122
ИЛОВА.....	145

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим тараққиётнинг асосий омили сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан 2015 йил Жанубий Корея Республикасининг Инчеон шаҳрида 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” [97] долзарб вазифа сифатида белгиланиб, таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бу эса, замонавий таълимни стратегик ривожлантириш, ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагог кадрларнинг малака ошириш тизимини лойиҳалаштириш жараёнларини жадаллаштиришни тақозо этади. Айниқса, малака ошириш жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари асосида лойиҳалашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, узлуксиз ва узвийлик, анъанавий ва новаторликнинг уйғунлигини таъминлаш йўллари аниқлаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Дунёда педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш моделларини ишлаб чиқиш, масофавий ўқитиш тизими асосида ўқитувчиларда рақамли компетентликни ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштиришнинг прогностик ва рискологик омилларини таҳлил этиш, уларнинг таълим муҳитини лойиҳалаш жараёнига таъсирини баҳолашнинг квалитетрик мезонларини аниқлаштириш, мустақил малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг вариатив технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаш тизимининг конструктив таркибий асосларини кенгайтириш, тайм-менежментининг педагогик имкониятларини очиб беришни тақозо этади.

Республикада педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, андрагогик таълим жараёнини мақбул механизмларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса,

малака ошириш жараёнларини муқобиллик тамойили асосида лойиҳалаш, мустақил таълим ва ўз-ўзини касбий ривожлантиришнинг устуворлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [4] муҳим вазифа сифатида белгиланди. Бу эса, педагог кадрларнинг малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш ва ахборот технологиялари воситасида моделлаштиришнинг педагогик имкониятларини очиқ беришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [4], 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [5], 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги [7], 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги [8] фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз педагог олимларидан А.Абдуқодиров [16], М.Арипов [24], У.Бегимкулов [37],

Ф.Закирова [201], Д.Маматов [206], Л.Салихова [150], Н.Тайлаков [155], М.Уразова [216], Р.Шарафутдинов [218], Т.Шоймардонов [219], С.Гуломов [60] кабилар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг педагогик механизмлари, педагогик лойиҳалаш жараёнларини ташкил этишнинг самарали йўллари тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан С.Агапова [190], А.Арзамасцев, Н.Зенкова, Т.Китаевская [26], Н.Птицыналар [210] педагогик лойиҳалаштириш, М.Горчакова-Сибирская [107], В.Ермоленко [78], Г.Ильин [90], И.Колесникова, Г.Муравьёва [129], В.Юсупов [184], Н.Яковлева [221], В.Ясвинлар [189] малака ошириш жараёнини моделлаштириш, педагогик тизимларни лойиҳалашга доир илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан Р.Ачинштейн [31], Л.Апостел [32], Л.Арчер [33], М.Асимов [34], Р.Букер [49], Д.Кэмпбелл [115], Р.Гэґнэ [63], Р.Соломон [154], Л.Тондл [158], Н.Вийнер [52], Т.Вудсонлар [53] томонидан ахборот таълим муҳитини педагогик лойиҳалашнинг фалсафий, социологик, кибернетик жиҳатлари ўрганилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг инновацион тизими, педагог кадрларни лойиҳавий фаолиятни самарали ташкил этиш модели ва технологияларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланиш олиб бориш зарурлигини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-116. “Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасасининг педагогик таркибининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълимни ахборотлаштириш шароитида малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва компонентларини очиб бериш;

малака ошириш жараёнларида педагог кадрларнинг лойиҳавий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

малака ошириш жараёнларининг бевосита ва билвосита шаклларининг уйғунлаштириш асосида педагогик лойиҳалаштиришни амалга оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака оширишнинг педагогик лойиҳалаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов жараёнида 294 нафар педагог кадрлар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида малака ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари танланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (адабиётларни ўрганиш, хужжатларни таҳлил этиш, анализ, синтез, қиёслаш, моделлаштириш) ва эмпирик (анкета, тест, сўровнома, математик статистик) усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот таълим муҳитида малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқув-билиш фаолиятини самарали ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари (мотивацион йўналишлари, омиллари) ва

ташкилий ҳамда дидактик компонентлари (мотивацион, когнитив, коммуникатив, индивидуал-психологик) андрагогик таълим механизмларининг интеллектуал ва мотивацион педагогик имкониятларини ҳисобга олиш асосида очиб берилган;

малака ошириш жараёнларида педагог кадрларнинг лойиҳавий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонлари (билим, кўникма, малака, компетенция) касбий ўз-ўзини англашнинг креативлик билан алоқадорлигини тайм-менежментининг педагогик имкониятлари орқали таъминлаш асосида ишлаб чиқилган;

ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделининг амалий таркибий асоси тармоқли дастур, медиаграфика, онлайн тизим каби ахборот технологиялари воситаларининг инновацион фаолият билан ўзаро интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

малака оширишнинг касбга мослашиш (касбий-адаптив), таълим турига хосланган, ижтимоий мослашиш (ижтимоий-адаптив) каби бевосита ва онлайн тизимли, тармоқ дастурли каби билвосита шакллари уйғунлаштириш асосида педагогик лойиҳалаштиришнинг муқобиллик, вариативлик, самарадорлик кўрсаткичларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш тузилмаси ва турлари аниқланган;

педагог кадрларни лойиҳавий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш самарадорлигини баҳолаш диагностик аппарати ишлаб чиқилган;

“Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модулини ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

мустақил ва муқобил малака ошириш жараёнлари жадаллигини таъминлашга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг

методологик базаси таъминланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, экспериментал танлов гуруҳининг репрезентативлиги, тўпланган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги, келтирилган таҳлиллар, педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаш” тушунчаси моҳиятининг очиб берилганлиги, лойиҳалаштириш жараёни тузилмаси ва компонентларининг аниқлаштирилганлиги, педагог кадрларни лойиҳавий фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг ишлаб чиқилганлиги, ахборот технологиялари воситасида малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш интегратив мазмунининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларининг аниқлаштирилганлиги, ахборот технологиялари воситасида педагог кадрларни лойиҳавий фаолиятга тайёрлашнинг алгоритмик босқичларининг такомиллаштирилганлиги, педагогик лойиҳалаштириш жараёнлари самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича тадқиқот натижалари қуйидаги шаклларда жорий қилинди:

ахборот таълим муҳитида малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва компонентларини андрагогик таълим механизмларининг педагогик

имкониятлари асосида очиб бериш бўйича тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сон буйруғи билан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режаларидаги “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули мазмунига сингдирилган ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш натижаларини ташхис қилиш механизмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2898 маълумотномаси). Натижада, малака ошириш жараёнларида педагогик лойиҳалаштириш ёндашувлари, тамойиллари ва компонентларини самарали татбиқ этишга ҳамда малака ошириш жараёнларини ташхис этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

малака ошириш жараёнларида педагог кадрларнинг лойиҳавий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонларини касбий ўз-ўзини англашнинг креативлик билан алоқадорлигини таъминлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А-1-116 “Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасасининг педагогик таркибининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 й.) лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2898 маълумотномаси). Натижалар малака ошириш жараёнларида педагог кадрларнинг лойиҳавий-креатив компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

малака ошириш жараёнларининг бевосита ва билвосита шакллари уйғунлаштириш орқали педагогик лойиҳалаштиришда муқобиллик, вариативлик, самарадорликка эришишга доир тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасининг 1-иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-740 маълумотномаси).
Натижалар олий таълим муассасалари педагог кадрларининг малака ошириш
жараёнларини лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий
ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий
анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация
мавзуси бўйича жами 33 илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий
аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола,
жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта
боб, хулоса, 121 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва
иловалардан иборат.

I-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогик лойиҳалаштириш мазмуни ва илмий асослари

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш бугунги кунда жамият, илм-фан ва техника соҳасидаги ўзгаришларнинг кўпчилиги тегишли лойиҳалаштириш жараёнлари билан таъминланганлигини кўрсатади [27, 66, 149, 217]. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, лойиҳалаштириш тушунчасининг ўзи умуман олганда, мутахассисларнинг режалаштирилаётган объектнинг тегишли параметрлари тўпламининг ёки мавжуд объектнинг сифат жиҳатидан хилма-хиллиги, янги, янгиланган ҳолатини илмий жиҳатдан асослашга нисбатан мақсадли фаолиятини акс эттиради [87, 135, 194]. Ўз моҳияти бўйича, лойиҳалаш атамаси, биринчи навбатда, янги ёки янгиланган маҳсулотни, яъни режалаштирилган объектнинг прототипини, ҳолатини муқаддам ўйланган, реал ҳақиқатга амалда татбиқ этиш учун ишлаб чиқиш бўйича мураккаб лойиҳалаш жараёни, лойиҳалаш фаолияти ҳисобланади [76, 83, 197].

Замонавий лойиҳалашга доир турли масалалар орасида педагогик лойиҳалаш муаммолари алоҳида ажралиб туради. Хусусан, М.Л.Коцуба фикрича, лойиҳа фаолиятига таълим фаолиятининг ажралмас таркибий элементи сифатида қараш керак. Муаллиф томонидан педагогик лойиҳалаш жараёнига тайёргарлик таърифланиб, унга кўра долзарб педагогик эҳтиёжлардан келиб чиқадиган мақсад реал амалий вазиятдан келиб чиққан ҳолда батафсилроқ кўриб чиқилиши лозим бўлиб, лойиҳалаш иши методларини танлаш эса уларнинг амалий натижадорлигидан келиб чиқиши зарур бўлади [110].

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув асосида малака ошириш жараёнларининг самарадорлигини оширишга имконият яратилади.

Тадқиқотчи Д.Н. Маматов, педагогик лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мазмунини жараён ва натижалар сифатида ўрганиб, уни мақсад, объект, субъект, услублар, шунингдек, педагогик-лойиҳалаштириш фаолият натижалари билан боғлайди. Хусусан, якуний натижанинг энг мақбул тассавури бўлган мақсад, педагогик лойиҳалаштириш фаолиятининг асосий сабаби сифатида юзага келади. Педагогик лойиҳалаштиришнинг объекти сифатида тегишли педагогик тузилма белгиланиши мақсадга мувофиқ:

- педагогик тизим;
- педагогик жараён;
- педагогик технологиялар;
- педагогик метод, методика, воситалар;
- педагогик вазият;
- таълим мазмуни;
- турли таълим дастурлари, ўқув модуллари;
- дарслик, методик қўлланма ва бошқалар.

Муаллифнинг фикрича, педагогик лойиҳалаштириш субъектини ижодий фикрлаш, инновацион қобилият, профессионализм ва юқори ишчанлик, ўзига хос кадриятлар йўналиши, таклиф қилинган ўзгаришларнинг натижаларини прогноз қилиш қобилияти каби шахсий ва профессионал фазилатларга эга бўлган педагог ёки мутахассислар гуруҳи ташкил қилиши керак. Педагогик лойиҳалаш услублари жуда хилма-хил бўлиб, тадқиқотчи уларга қуйидагиларни белгилайди:

- эвристик усуллар;
- моделлаштириш;
- квалитетрик усуллар ва бошқалар.

Шу билан бирга, муаллиф фикрига кўра, усулларни танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

- кўриб чиқиладиган муаммо;
- лойиҳалаш объекти;
- лойиҳа фаолияти субъектининг лойиҳалаш усулларини эгаллаганлиги.

Ўз навбатида, педагогик лойиҳалаш натижаси - педагогик амалиётда қўллаш учун тайёр бўлган якуний маҳсулот, инновацион педагогик таълим сифатидаги педагогик лойиҳа ҳисобланади [123].

М.М.Мендыбаева, Т.К.Дюсембаева тадқиқот давомида, педагогик лойиҳалаш муаммоларини терминологик аппаратини асослаш учун тизимли-функционал ва тизимли-фаолият ёндашувларидан фойдаланган ҳолда ушбу жараённинг таркибини қуйидаги асосий элементлар таклиф этишди:

- прогнозлаш;
- моделлаштириш;
- лойиҳалаштириш;
- рефлексия (акс эттириш);
- амалиётга татбиқ этиш [126].

Е.А.Крюкова, шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаб, педагогик лойиҳалаш жараёнининг нисбатан батафсилроқ мазмунини таклиф этади:

- мақсадларни белгилаш;
- ориентация;
- бошланғич ҳолатнинг диагностикаси;
- рефлексия (акс эттириш);
- прогнозлаш;
- моделлаштириш;
- назорат қилиш;
- амалиётга татбиқ этиш;
- баҳолаш;
- коррекция (тузатиш) [204].

Педагогик лойиҳалаштириш жараёнини ҳар томонлама мажмуавий тадқиқи этиш И.Д.Чечель томонидан амалга оширилган. Таълим жараёнининг педагогик лойиҳалаш объектларининг ўзига хослигини ажратиб кўрсатиб, муаллиф қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлган лойиҳа фаолияти учун бошқарув алгоритмининг таклиф қилди:

- мақсадни профессионал нуқтаи-назардан англаш ва тушуниш;

- педагогик ғояни ишлаб чиқиш;
- ресурсларни тақсимлаш ва жалб қилишни моделлаштириш;
- педагогик муаммодаги қийинчиликларни таҳлил қилиш;
- лойиҳалашнинг яхлит, бир бутун дастурини ишлаб чиқиш;
- лойиҳа фаолиятини назорат қилиш тизимини лойиҳалаш;
- рефлексия (акс эттириш);
- лойиҳа фаолиятини тартибга солиш (корректировкалаш) [167].

Шундай қилиб, бундай тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда педагогик лойиҳалаш тушунчаси ва унинг асосий тузилишини умумий таърифлашимиз мумкин. Хусусан, кўплаб олимлар томонидан ушбу жараён негизида инновацион характери билан фарқланувчи, таълим муҳити шароитида амалга оширилувчи ва янги ёки янгиланган педагогик маҳсулотни қўллаш орқали самарали фаолият олиб боришини таъминлашга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ўзига хос таркибий қисми тушунилади. Ўз навбатида, педагогик лойиҳалаш таркиби, одатда, асосий босқичларнинг қуйидаги ёпиқ цикли шаклида намоён бўлади:

- диагностика;
- прогнозлаш;
- моделлаштириш;
- лойиҳалаш;
- амалга ошириш (таъбиқ қилиш).

Шу билан бирга педагогик рефлексия (акс этиш) лойиҳалашнинг ҳар бир босқичининг мажбурий ва ажралмас элементидир.

Юқорида келтирилган босқичларнинг ҳар бирини батафсил таҳлил қилиб чиқамиз. Шундай қилиб, диагностика педагогик лойиҳалаштириш объектининг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганишни, лойиҳалаштириш объектига таъсир этувчи асосий омилларни (таълим муҳити ҳолати, лойиҳани самарали амалга ошириш имконияти, кутилган натижалар) аниқлашни ўз ичига олади. Ушбу босқичда педагогик лойиҳалаштириш объекти ҳақидаги маълумотлар тўпланиб таҳлил қилинади, амалга

ошириладиган лойиҳанинг асосий мақсади ва оптимал вазифалари аниқланади [75].

Кейинги (прогнозлаш) босқичида, мавжуд муаммоларни инновацион ҳал этишининг ижодий ғоялари ва имкониятлари асосланиб, келажақдаги лойиҳалаштириш объектининг педагогик хусусиятлари ишлаб чиқилади, лойиҳалаштириш объектининг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар аниқланади. Бундан ташқари, тадқиқотчи И.Н. Дашибалова ўзининг изланишида ушбу босқич қуйидагиларни аниқлаштиришни талаб этишини таъкидлайди:

- лойиҳа фаолиятининг асосий йўналишлари;
- лойиҳа фаолиятининг оралиқ ва якуний мақсадлари;
- қўлланиладиган педагогик технологиялар, услублар ва ёндашувлар;
- кутилган натижалар;
- лойиҳалаштириш объектининг прогностик ўзгаришлари;
- педагогик натижа (оқибат)лар ва бошқалар [66].

Моделлаштириш босқичи ташкилий-тадқиқот вазифасини бажариб, келажақдаги педагогик лойиҳа натижаларини ҳаёлий тассаввурини ифодалайди. Аниқлик, ўлчовлилик, амалиётга жорий этилиши ва фаолиятининг мослашувчанлигини таъминлаши керак бўлган лойиҳалаштириш объекти моделининг мазмуни ва таркибий қисмлари тайёрланиб, педагогик лойиҳалаштириш мақсадига эришишнинг асосий усул ва йўллари аниқлаштирилади [48].

Кейинги босқич (лойиҳалаштириш) асосан экспериментал намунавий лойиҳани ишлаб чиқишга қаратилган. Бу объектнинг элементларини яратиш ва уларни бир бутунга бирлаштириш, ишлаб чиқилган лойиҳанинг ўзига хос тавсифини, муҳим хусусиятларини, таркибий қисмларини, олинган объектни аввалги ҳолат билан таққослашни, яратилган лойиҳани режалаштириш ва батафсиллаштиришни, уни самарали амалга ошириш шартларини, зарур ахборот-коммуникация таъминотини тасвирлайди [27].

Якуний (татбиқ қилиш) босқичда тайёрланган лойиҳани синовдан ўтказиш, самарадорликни аниқлаш, аниқлаштириш ва зарур тузатиш ишлари олиб борилади, бу эса уни янада такомиллаштиришга ва уни педагогик амалиётда фойдаланиш даражасига етказишга имкон беради [198].

Юқорида қайд этилганидек, педагогик лойиҳалаштиришнинг ҳар бир босқичининг мажбурий ва ажралмас таркибий қисми рефлексия (акс этиш) ҳисобланади. Хусусан, Н.Г.Алексеев ва бошқалар рефлексияни лойиҳа ғояси ва лойиҳалаштириш натижаларининг рефлексив мутаносиблиги, шу жумладан, белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун умумий воситалар ва шартларни тузатиш тартиби ўртасидаги муносабатни акс эттириши сифатида белгилашади. Тадқиқотчи педагогик лойиҳалаштиришнинг ҳар бир босқичида акс эттирувчи-баҳолаш ва тузатувчи вазиятни яратиш зарурлигига эътиборни қаратади ва рефлексияни лойиҳа ишида шахслараро мулоқотнинг мазмунини тушуниш, ўз онги ва фаолиятини таҳлил қилиш деб белгилайди [19].

М.Е.Бершадский педагогик фаолиятнинг турли хил технологияларининг педагогик-психологик аспектларини ўрганиб, лойиҳалаштириш ва акс эттириш ўртасидаги ажралмас технологик алоқанинг мавжудлигини таъкидлайди. Муаллиф фаолият, алоҳида ҳаракатлар идеал ва ҳақиқатда мавжуд бўлиб, ўзаро мутаносибликда боқлиқ эканлигини қайд этади. Муаллифнинг фикрича, ҳаракатни содир этишдан олдинги уни англаниши лойиҳага тегишли бўлади. Шунга кўра, содир этилган ҳаракатлардан кейинги англаб етиш рефлексияга тегишли бўлади [42].

Юқоридагиларга асосланиб, педагогик лойиҳалаштиришда рефлексия, яъни акс эттириш жараёнларни таҳлил қилиш ва тушуниш, амалга оширилган ҳаракатлар, лойиҳалаштириш жараёнида шахслараро алоқанинг маъносини тушуниш, тўпланган тажриба ва такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилишни ўз ичига олади [168].

1.2. Малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва роли

Ислохотлар жадаллашган айни вақтда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратини узлуксиз ривожлантириш, уларни халқаро тажриба алмашинувларини ташкил этиш орқали илмий ва ижодий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам айнан, “ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилмоқда [8].

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий тадқиқотчилар изланишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, замонавий мутахассислар малакасини оширишга белгиланадиган талаблар жамиятнинг глобал ахборотлаштириш, касбий фаолиятга турли ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни янгилаш билан боғлиқ бўлган янги тенденциялар билан ўзаро алоқадорликда бўлади, [19, 56, 93, 108]. Шунга мувофиқ, ушбу тенденция таълим муҳити шароитида ҳам кузатилмоқда, бу эса одатда, турли миқёларда кўриб чиқилади. Хусусан, кенг маънода кўрилганда таълимни ахборотлаштириш - таълим тизимини ахборот-коммуникация технологиялари ва маҳсулотлар билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-педагогик ўзгаришлар мажмуаси ҳисобланади. Тор маънода эса таълимни ахборотлаштириш таълим жараёнида микропроцессор технологиясини ўз ичига олган маҳсулотни амалий қўллаш ҳисобланади [23, 101, 105].

Таълимни ахборотлаштиришнинг асосий мақсади сифатида тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ўқув жараёнининг самарадорлигини, таълим

олувчилар томонидан ўқув материалларини қабул қилиш сифатини оширишни қуйидаги йўллар орқали амалга оширилиши лозимлигини таъкидлашади:

- ахборот ҳажмини кенгайтириш;
- ахборотни тақдим этиш тезкорлиги;
- ахборотни амалий қўллаш усулларини такомиллаштириш [106].

Таълимнинг ахборотлашуви тегишли ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали амалга оширилиб, уларга қоида тариқасида инсонга янги билимларни олиш, таълим, илмий, бошқарув ва ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ечиш, ўз интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришни назарда тутувчи ахборотни жамлаш, ташкил қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва тақдим этишнинг техник воситалари ҳамда усуллари мажмуи тушунилади [17, 125].

Қўплаб олимларнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти замонавий таълим жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу технологиялар, компьютерни ўрганиш услубининг ўзиёқ педагогларни таълим жараёнига янгича усулларни ва янгича ёндашувларни қайта жорий этиш, такомиллаштириш ва эҳтимол таълим жараёнига нисбатан бўлган ёндашувни ўзгартиришга мажбурлаши мумкин [38, 139, 180].

Хусусан, Н.Ю.Шорников фикрича, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш асосида малака ошириш жараёнини янгилаш қуйидагиларни талаб қилади:

- таълим жараёни объекти ва субъектининг етарли даражадаги ахборот маданиятини таъминлаш;
- ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- мутахассисларнинг малакасини ошириш менежментини такомиллаштириш;
- илмий тадқиқот ва услубий ишлар доирасида ахборот-коммуникация технологиялари йўналишини фаоллаштириш [182].

Ю.Ахтырская ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланмасдан замонавий таълимнинг ривожланиш жараёни мумкин эмаслигини таъкидлайди ва ахборот-коммуникация технологиялари шароитида профессионал фаолият учун мутахассисларни тайёрлаш жуда долзарб масала эканлигини, бу жамият тараққиётнинг тегишли босқичи билан белгиланишини қайд этиб ўтади. Олимнинг фикрича, ушбу ўзига хос хусусиятларни тушуниш ахборот-коммуникация технологияларининг таълим жараёнидаги тегишли ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда эканлигини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида, бу ёндашув таълимнинг замонавий технологик йўналишларини яхшироқ прогноз қилиш имконини беради [30].

Бундан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўзаро боғлиқ тушунчаларини замонавий талқин қилишнинг моҳиятини қисқача кўриб чиқиш ўринли деб ҳисобланади. Бунинг учун биз таълим соҳасини ахборотлаштириш жараёнлари ва хусусиятларини таҳлил қилишга мурожаат қиламиз.

К.В.Балдин фикрича, ахборотлаштиришнинг биринчи босқичи инсониятнинг қадим тарихида, яъни саводхонликнинг пайдо бўлишига бориб тақалади. Бу вербаль, яъни оғзаки маълумотлар даври бўлиб, у оғиздан оғизга ўтиб келган. Унинг асосий воситалари мия, тил ва эшитиш бўлган. Ахборотни, билимларни тарқатиш: мен тинглайман - мен биламан - мен айтаман алгоритмига мувофиқ амалга оширилган. Ўша даврдаги ахборот жараёнлари марказида ўқитувчи жой эгаллаган бўлиб, унинг таълим олувчилар билан мулоқоти ўзаро мулоқотнинг асосий шаклларида бири бўлиб, унинг ёрдамида инсоният томонидан тўпланган маълумотлар авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи - бу қоғозли ахборот технологиялари даври бўлиб, ёзувнинг ихтироси билан боғлиқ. Ушбу босқични икки даврга бўлиш мумкин бўлиб, унинг чегараси китоб босиб чиқариш ихтироси ҳисобланади. Китоб даврида ахборотни тарқатиш учун ҳудудни айланиб ўтишнинг зарурияти йўқ

эди, ўз гоёларини қоғозга чоп этиб, хат билан юбориш кифоя эди. Китоб босиш даврида маълумот кўпайишга зарурият бошланди ва кенг тарқалди, бу жамиятга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда, яъни ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг учинчи босқичида жамият етарлича кенг миқёсдаги электрон-коммуникатив тизимларга эга бўлиб, бу анъанавий ахборот алмашуви (аудио, видео, мультимедиа ва бошқалар)га нисбатан мукаммал бўлган, яъни замонавий ахборот-коммуникация технологияларига ўтиш имкониятини бермоқда [36].

В.П.Дьяконов, А.Н.Черничин замонавий ахборот-коммуникация технологияларини компьютер технологиясидан, телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга асосланган ва янги ахборот ҳамда янги билимларни олишни таъминлайдиган технологиялар сифатида белгилайди. Шу билан бирга, замонавий тадқиқотларда ахборот-коммуникация технологияларининг қуйидаги функциялари аниқланади:

- дидактик;
- ташкилий;
- назорат қилиш;
- бошқариш [74].

А.Опрышко ахборот-коммуникация технологияларини инсонларнинг билимларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва техник ҳамда ижтимоий масалаларни бошқаришда ўз имкониятларини ривожлантиришга имкон берадиган маълумотларни тўплаш, ташкил қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, етказиш ва тақдим этишнинг техник воситалари тўплами сифатида белгилайди [138]. Ушбу тадқиқот доирасида, И.М.Аксяновнинг замонавий таълим учун ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ҳақидаги илмий асосланган фикрлари қизиқарли ҳисобланади. Хусусан, тадқиқотчининг фикрига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари таълим муҳитини лойиҳалаштириш учун кенг имкониятлар ва истикболларни очиб беради. Шу билан бирга, муаллиф таълим жараёнида янгиликлар ва ахборот

инновацияларнинг доимо мавжудлигини таъкидлайди. Бироқ, янги юқори тезликли электрон ҳисоблаш машиналари ва тегишли дастурий таъминот пайдо бўлиши билан бирга ахборот билан ишлаш имкониятлари ҳам сифат жихатидан ўзгарди ва сезиларли даражада кенгайди. Бундан ташқари, олим томонидан ахборот-коммуникация технологияларининг кенг таркиби уларнинг мажбурий элементни - педагогик кузатувни (кўмакни) ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган [18].

Бундан ташқари, мутахассисларни кўп босқичли ўқитишни ташкил этишда педагогик қўллаб-қувватлашнинг муҳим ролини таъкидлаган Л.К.Волченкова ахборот-коммуникация технологияларининг таркибини қуйидагича тасвирлайди:

- техник ускуналар ва персонал кузатув (кўмак);
- персонал компьютер, ҳудудий, глобал тармоқлар, маълумотни киритиш ва чиқариш қурилмалари, ахборотни сақлаш воситалари, периферия ускуналари ва бошқалар;
- дастурий таъминот мажмуаси, ахборот тизимлари, компьютер графикаси тизимлари, мултимедиа тизимлари, сунъий интеллект тизимлар, дастурий воситалар;
- синф жиҳозлари, сканерлар, принтерлар, намойиш доскалари, кўчма экранлар, ҳимоя ускуналар, нусха кўчириш қурилмалари, маълумотлар базалари, локал ва қўшма тармоқлар, ахборот ресурслари ва Интернет;
- китоб ва электрон дарсликлар, масофавий таълим воситалари [196].

Шу билан бирга, бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, замонавий таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, одатда, асосан қуйидагиларда қўлланилади:

- назарий материалларни намойиш этиш;
- тингловчиларнинг таълим ютуқлари даражасини баҳолаш;
- тингловчиларни ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришларига кўмаклашишга йўналтирилган компьютер таълим дастурлари сифатида;

- аудиторияларда амалга ошириш имкони бўлмаган таълим материаллари намойишларининг дидактик таъсирини кучайтириш учун [55, 60, 100, 201].

Кўпгина олимларнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишидаги янги тенденциялар таълим жараёнини икки асосий усулда ўзгартириши мумкин:

- мавжуд таълим тизимининг иш фаолиятини яхшилаш;
- таълим тизимининг ўзини ўзгартириши, яъни трансформациялаш [21, 23, 58].

Хусусан, С.Д.Якушева фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари таълимни чуқур ислох қилиш масалаларини ҳал этиш учун янги имкониятлар, пойдевор яратиб бериши мумкин [188].

Ушбу фикрни ҳисобга олган ҳолда, биз ахборот-коммуникация технологияларининг таълим муҳитидаги ўрни ва ролини аниқлаймиз. Таълим муҳити кенг маънодаги тушунча бўлиб, шахс шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар тизими сифатида талқин этилади. В.А.Ясвин фикрича, таълим муҳити бу бир-бири билан кесишувчи ва педагогик тизимларнинг функционал тузилишини (педагогик ижодкорлик, ҳамкорлик, мулоқот, диагностика, бошқарув) белгилайдиган микромуҳит тизимидир [189]. Шу билан бирга, таълим муҳитининг таркибий қисмларидан бири педагогик лойиҳалаштиришнинг микромуҳити бўлиб, у ўз фаолият субъекти, таъминот ресурслари, алоқалари, инфратузилмасига [191] эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия ва ахборот-коммуникация технологияларининг моҳияти ва ўзаро боғлиқлиги муаммоси жуда мураккабдир. Е.А.Алисов таълим муҳитини сунъий равишда яратилган тизим сифатида белгилаб, у қуйидагиларни қамраб олишини кўрсатади:

- тингловчилардан иборат таркибий қисм (таълим олувчилар);
- педагоглардан иборат таркибий қисм (педагоглар);
- таълим воситалари тизими.

Муаллиф таъкидлашича, таълим воситалари тизимида таълим оловчилар ва педагоглар томонидан таълим жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумот ва материаллар объектлари мажмуасини ўз ичига олади [20].

М.Н.Капранова машғулотларни лойиҳалаш методикасини методик тизим сифатида тадқиқ этар экан, умумий илмий, физик ва культурологик билимларни синтезлаштиради [100]. В.С.Кукушин педагогик фаолиятни кўриб чиқар экан, замонавий таълим муҳитида ҳам анъанавий ҳам ахборот воситаларининг мажмуавий қўлланилиши лозимлигига эътибор қаратади [114]. Замонавий интерактив таълим воситаларини татбиқ қилиш учун таълим муҳитининг моделини амалга оширишнинг шарти сифатида С.Р.Хаблиева тингловчилар онгида ахборот тушунчаси орқали амалга ошириладиган компьютер, мультимедиали проектор, интерфаол доска, мультимедиа ёки тақдим этилиши керак бўлган ахборот эффектларини таъминлаш зарурлигини белгилайди [163].

С.С.Ермолаева лойиҳалаштиришда таълим муҳити ва ахборот-коммуникация муҳитининг ўзаро боғлиқлигини, ахборот ва педагогик технологиялар фаолиятининг хусусиятлари детерминантлигини асослайди. Олимнинг фикрича, ахборот-коммуникация муҳити таълим жараёни амалга оширилаётган тегишли (ахборот-коммуникация) оқим тизими бўлиб, ўз ўрнида айнан унда таълим жараёни амалга оширилади. Ахборот-коммуникация оқимлари муайян ахборотни етказиш ва қабул қилиш учун субъектив саъй-ҳаракатлар даражаси, таълим жараёнининг субъектлари томонидан олинган ахборот сифати устидан назорат даражаси билан ажралиб туради [77].

Таълим ва ахборот-коммуникация жараёнларининг ўзаро таъсирини ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-таълим муҳити вазифасини кўриб чиқиш ўринли деб ҳисобланади. Кенг маънода ахборот-таълим муҳити деганда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан таъминланган сифатли натижаларга эга бўлган таълим тизими сифатида қаралади. Замонавий ахборот-таълим муҳитида педагогик технологияларни

ривожлантириш ахборот-коммуникация технологиялари билан ўзаро боғлиқликда амалга оширилади. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги ҳисобга олинadиган бўлса, улар ўз навбатида таълим жараёнига нисбатан янги имкониятлар, баъзида янги нуқтаи назарларни очишади [122, 130].

А.А.Осипова ўқув фани мазмунини яратишда жамият учун мавжуд бўлган ахборотни ёзиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш учун зарур техник воситаларга боғлиқ бўлган ахборот технологиялари асосларидан бири эканлигини таъкидлайди [141]. У.А.Дмитрева ахборот-коммуникация технологияларидан фaол фойдаланган ҳолда таълим тамойилларини назарий асослаб беради ва унинг таълим технологиялари билан бўлган ўзаро боғлиқлигини батафсил ёритиб беради [72].

К.О.Юсупова таъкидлашича, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш барча фанларни ўқитиш услубларини ўзгартиришни талаб қилади. Бунинг сабаби, педагог тингловчига керакли маълумотни олишнинг ягона манбаи бўлишда тўхташи ҳисобланади. Чунки зарур миқдордаги маълумотни мустақил равишда тегишли ахборот тармоғидан олиш мумкин бўлади. Анъанавий таълим учун зарур бўлган эсда сақлаш ва қайта тиклаш каби репродуктив қобилиятларни шакллантиришга йўналганлик ўрни ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш орқали таққослаш, синтез қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, алоқаларни аниқлаш, режалаштириш каби кўникмалар билан алмаша бошлайди [184].

Қизиғи шундаки, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари таълим жараёнининг тизимлаштирувчи, боғлайдиган ва амалий таркибий жиҳати сифатида қаралиши мумкин. Илмий-амалий адабиётлар базасини яратиш, тегишли ҳужжатлар ва талабаларга доир турли ишини ташкил этиш бизга таълим жараёнини тартибга солиш, ижодий ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш имконини беради. Ахборотни қидириш, ташкил қилиш ва қайта ишлашнинг электрон воситалари иш жараёнининг вақти,

киймати ва иш ҳажмига нуктаи назаридан бир қатор афзалликларга эга бўлади. Бу турдаги тизимларнинг яратилиши энг қиммати ҳисобланади. Шу билан бирга, уни қўллаш, олинadиган натижа ва бошқалар иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти илмий ва амалий фаолиятнинг ажралмас қисмига айланиб, бунда унинг интеграциялаш роли намоён бўлиб, таълим олувчиларнинг ижодий ва лойиҳалаштириш ишларини амалиётга татбиқ этиш ва уларни турли тармоқларга жойлаштириш имкониятлари очиқ берилади [23, 58].

Бизнинг фикримизча, педагогик лойиҳалаштиришдаги ахборот-коммуникация технологияларининг ролига урғу беришда қуйидаги функцияларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди:

- коммуникатив;
- когнитив;
- конструктив.

Коммуникатив функцияси доирасида ахборотни излаш, ахборот алмашиш, таълим ва ўз-ўзини ўқитиш учун имкониятлар кўриб чиқилади.

Когнитив функция фойдаланувчига махсус профессионал билимларни олиш ва касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини диагностика қилишда ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Конструктив функция ахборотни қайта ишлаш, лойиҳалаштириш ва тақдим қилиш учун турли хил имкониятларни қамраб олади [169].

Шу билан бирга, педагогик лойиҳалаштиришдаги ахборот-коммуникация технологияларининг ролини коммуникатив функцияси глобал тармоқ орқали, браузер дастурлари, видео конференциялар, электрон почта, ижтимоий тармоқлар, жамоаларнинг профессионал тармоқлари ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳамкасблар ва лойиҳа-педагогик фаолият билан шуғулланadиганлар ўртасида тажриба, ғоялар, ютуқлар алмашиш ушбу фаолиятнинг муваффақияти учун зарур шарт ҳисобланади. Аввало, глобал тармоқ (Интернет) кучли ахборот манбаи бўлиб, глобал тармоқдан фойдаланишга имкон берувчи дастурий воситалар ҳам когнитив вазифани

бажаради. Тингловчилар, одатда, лойиха фаолияти учун зарур бўлган ҳар хил маълумотларнинг глобал тармоғида излаб топишни қизиқиш билан амалга оширишади, кейинчалик ўз навбатида олинган ахборотни баҳолаш, таққослаш ва бошқалар билан ишлаш вазифалари ҳам бажарилади [162].

Масофавий платформалар педагог ва тингловчи ўртасидаги мулоқотни таъминлайди, деярли ҳамма жойда узлуксиз таълим материаллари билан ишлаш имконини беради. Шу билан бирга, педагог ўқув материалларини қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган турли масалалар бўйича назорат ва маслаҳатларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга бўлади.

Электрон дарсликлар, турли адабиётлар, диагностика дастурларидан фойдаланиш ахборот-коммуникация технологияларининг когнитив функциясини амалга оширишнинг намунасидир.

Конструктив функцияни амалга ошириш нуқтаи назаридан турли хил стандарт ва махсус дастурлар алоҳида эътиборга лойиқдир:

- матн муҳаррирлари;
- график муҳаррирлар;
- тақдимот;
- маълумотлар жадваллари ва бошқалар билан ишлаш.

Ушбу турдаги дастурлар ўқув материалларини (шаблонлар, диаграммалар, жадваллар, тақдимотлар) тайёрлашда ва лойиха вазифалари натижаларини электрон шаклда тақдим этиш учун ишлатилиши мумкин.

Гиперматнли ва мультимедия технологияларининг дидактик имкониятлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Гиперматнли технология кўп тилли матнлар деб номланган чизикли бўлмаган ёзиш ва ўқиш тизимлари асосида амалга оширилади. Асосий матнга бириктирилган муносабатлар, таърифлар ва қўшимча маълумотлар уни бир ўлчамли структурадан кўп ўлчовли даражага айлантиради [22].

Хусусан, С.С.Солдатов гиперматннинг чизикли бўлмаган кетма-кетликда, қоғоздаги матн билан тўлиқ таққослаганда фойдаланувчига кўпроқ индивидуал ёндашиш, уларнинг эҳтиёжларини, қизиқишларини ва билим

даражасини ҳисобга олиш имконини берадиган дидактик, яъни ғоялар, фактлар ва бошқа маълумотни тақдим этиш хусусиятларини қайд этиб ўтади. Гиперматнни диалогли ойна режимида қўллаш жараёнида бошқа маълумотларни четлаб ўтган ҳолда алоҳида намуналар, ҳаволалар, тушунчаларга мурожаат қилиш мумкин. Гипермедиа (мультимедия) гиперматнли тизим, интеграция матн, график, видео, анимация ва медиа, яъни ҳозирги вақтда мавжуд ахборотни тақдим этишнинг қўплаб усулларининг ривожланиши бўлди. Лойиҳа фаолиятида мультимедия дастурлари мураккаб реал-дунё жараёнларини симуляция қилиш, уларни динамикада тасаввур қилиш имконини бериб, бу таълимнинг зарур элементи ҳисобланиди. График ва аудио ахборотларни, таржимонларни ва бошқа хизмат дастурларини қайта ишлашга рухсат берувчи дастурий воситалар машғулотларни лойиҳалаштиришида ишлатиладиган дидактик материалларни тайёрлаш учун зарур бўлади [153].

Бугунги кунда ахборот мультимедия технологияларининг замонавий воситаларидан ва таълим учун кучли техник воситалардан бири интерактив дастур-технологик таълим мажмуаси, яъни персонал компьютер ва проектор билан биргаликда ишлайдиган интерактив доска, сенсорли панель ҳисобланади. Ушбу оммабоп технология персонал компьютердан ҳар қандай маълумотни намоиш қилишнинг ноёб имкониятларини ўзида акс эттиради. Бу ўз навбатида расмга эркин равишда турли қайдлар, изоҳлар, эслатмалар, таълим олувчиларнинг диққатини визуал тарзда акс эттирадиган матн, график ва расмларнинг муҳим қисмларини киритиш имконини беради. Интерфаол технологияларни амалий қўллаш педагогга ўқув жараёнини ижодий лойиҳалаштирилган ҳолда амалга оширишга ва ушбу лойиҳани машғулотда қўллаш имконини беради. Интерактив доскалар ва шунга ўхшаш технологиялар замонавий ахборот муҳити концепциясини амалга ошириш ҳамда педагоглар ва тингловчилар томонидан чекланмаган ҳолда фойдаланиш учун мўлжалланган [164, 95].

Таълим лойиҳаларининг ўзига хос хусусияти лойиҳа мавзусига мувофиқ кидирув, таҳлил, ахборот тақдим этиш, тадқиқот усуллари ва воситаларини танлашда аниқланади. Мутахассисга нафакат лойиҳа мавзусига оид маълумотларни тўплаш, балки уни тузилишини тизимлаштириш, уни мультимедиа тақдимотига мос равишда расмийлаштириш зарур бўлади. Лойиҳалаштириш натижаси ўзига хослик ва такрорланмаслик билан ажралиб турадиган сифатли янги маҳсулотни яратиш бўлган ижодий фаолият бўлар экан, мутахассис томонидан тадқиқ этилган мавзу, бўлим ёки муаммонинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолдаги тақдимоти ижодий фаолиятнинг элементларига эга бўлиши керак [61, 79].

Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари педагогга, шунингдек тингловчига ўз фикрларини электрон шаклда, кўргазмали тарзда мустақил равишда татбиқ қилиш ва ўз ғояларининг самарадорлигини текширишга имкон беради. Қизиқарли ва ўзига хос лойиҳани амалга ошириш учун мутахассис барча мавжуд ахборотдан англаши, янгиликни аниқлаши ва олинган натижанинг амалий аҳамиятини ажрата билиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, самарали педагогик лойиҳалаштириш лойиҳа-педагогик фаолиятнинг ҳар бир босқичида педагогик рефлексияни назарда тутиши керак. Бундан ташқари, “лойиҳа гуруҳи”да ишлашга тайёрлик зарурлигини ҳисобга олган ҳолда “педагог-тингловчи”, “тингловчи-тингловчи”, “тингловчи-персонал компьютер” тизимларида муносиб алоқаларни ўрнатиш, лойиҳа иштирокчиларининг мақсадлари ва ўзаро саъй-ҳаракатлари асосида педагогик ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни яратиш муҳимдир. Коммуникатив функцияни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда натижаларини таҳлил қилиш, масофавий таълим технологияларини, замонавий алоқа воситаларини қўллаш, глобал тармоқнинг дидактик имкониятларини максимал даражада ишлатиш зарур бўлади [72, 200].

Бизнинг фикримизча, педагогик лойиҳалаштиришнинг таркибий тузилиш тавсифи ва функцияларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-

коммуникация технологияларини қўллашнинг замонавий хусусиятларини, шунингдек, имкониятларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундай қилиб, педагогик лойиҳалаштириш жараёнида қуйидагилар зарур:

- тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва билим даражаси компьютер диагностикаси жараёнида олинган маълумотларни ҳисобга олиш;
- истиқболли, оралик дидактик вазифалар ва тингловчиларни ривожлантириш учун вазифаларни ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнининг мазмунини, техник воситалардан ва дидактик усуллардан фойдаланишни режалаштириш;
- тингловчиларни турли хил таълим ва билим фаолияти учун жалб қилиш воситаларини таҳлил қилиш;
- «педагог-тингловчи», «тингловчи-тингловчи», «тингловчи-персонал компьютер» тизимида биргаликдаги фаолият натижаларини прогноз қилиш ва уларнинг натижаларини прогнозлар билан солиштириш [170].

Шубҳасиз, педагогик лойиҳалаштиришни амалга оширадиган мутахассис ахборот маданияти ва ахборотни эгаллаш тажрибасига керакли даражада эга бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирган бўлиши лозим. Шундай қилиб, А.П.Тюмина педагогик лойиҳалаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган педагогнинг ахборот маданиятининг энг муҳим қисмларини белгилайди. Муаллиф ахборот маданиятини белгиловчи энг муҳим хусусиятлардан иборат бўлган қуйидаги мажмуани таклиф қилади:

- мақсадларни аниқлаш, вазифаларни шакллантириш, турли ахборот модели, ҳодисаларини тузиш ва таҳлил қилиш кўникмаси;
- автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда турли моделлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш қобилияти;
- қарорлар оқибатларидан олдиндан хабардор бўлиши [157].

Мазкур муаммо билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг фикрича, бугунги кунда ахборот маданияти маълумотлилик даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Шу муносабат билан ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирганлик, умуман олганда лойиҳа фаолияти, шу

жумладан, педагогика соҳасидаги [26, 41, 159] лойиха фаолиятининг зарур шартларидан бири бўлди.

1.3 Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, жумладан, олий таълим ва малака ошириш соҳасида ислохотларни изчил амалга ошириш масалалари ҳақидаги илмий асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари, маъруза ва нутқларида акс этган. Мазкур манбалар тадқиқот иши учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилган [13, 14, 15].

Сўнгги йилларда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янги босқичга кўтариш, уларнинг касбий малакасини оширишнинг замонавий шакллари хамда илмий ва илмий-педагогик фаолият натижаларини инобатга оладиган табақалаштирилган ва муқобил узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ [7, 12].

Маълумки, ҳар қандай таълим муассасасининг энг муҳим вазифаси тайёрлаш жараёнининг тўғри ташкил этилиши ҳисобланади. Охир оқибатда, бу таълим муассасасининг тури ва хусусиятларини, шунингдек, унинг такомиллаштириш йўллари белгилайди. Шу билан бирга, тайёрлаш жараёни таълимнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу, айниқса, малака оширишдаги тингловчилар таълими тизимида долзарб аҳамият касб этади [69, 85, 209, 163].

Малака оширишдаги тингловчилар таълимининг ўзига хослиги уларнинг ёши ва таълим омиллари, ҳаётий ва касбий тажрибаси, шахсий фазилатлари, дунёқарашлари, турмуш даражаси ва мақсадлари, ҳақиқий имкониятлар ва яшаш ҳамда меҳнат шароитлари билан белгиланади. Бугунги кунда

тингловларни тайёрлаш жараёни таълим фаолиятини ташкил этиш тизимида марказий бўғин ҳисоблани. Малака оширишдаги тингловчилар таълимида асосий мақсад маълум бир маълумотлар йиғиндисини етказиш эмас, балки тегишли шахсий хусусиятларини ривожлантириш ҳамда уларни керакли ахборотни излаш ва қўллашга рағбатлантириш, шунингдек, мустақил равишда излаш ва такомиллаштиришни давом эттиришидир [86, 145].

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида таълим жараёни педагог шахсини ривожлантиришда, мутахассисларни касбий ва шахсий такомиллашувига қаратилган кетма-кетликдаги ҳаракатлар тўплами сифатида кўриб чиқилиши мумкинлигини кўрсатади. Малака ошириш тизимидаги тайёрлаш жараёни мураккаб, кўп функцияли тизимли ҳодисадир [109, 165]. Шу нуқтаи назардан, унинг ўзига хослигини аниқлаштириш тизимли ёндашув асосида амалга оширилиши мумкин.

Тизимли ёндашув мураккаб объектнинг ўзига хос хусусиятларини унинг таркибий элементларининг ўзига хос хусусиятлари билан тугалланмасдан, энг аввало, муайян элементлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг ўзига хослигидан иборат бўлишига асосланади. Тингловчиларни тайёрлаш жараёни каби объектни алоҳида фанлар, хусусан, педагогика, психология, фалсафа, социология томонидан турли жиҳатда ўрганиш мумкин бўлиб, уларда у ёки бу фан томонидан белгиланувчи тузилма, алоқалар ва муносабатларнинг хусусиятлари мавжуд ҳисобланади.

Ушбу жиҳатдан тингловчиларни тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, амалга ошириш воситаси (шакллари ва усуллари) мажмуаси сифатида тавсифлаш мумкин. Малака ошириш жараёни статик тадқиқот объекти сифатида қаралмаслиги сабабли, доимий равишда ривожланаётган, ўзгариб, такомиллаштириладиган объект сифатида фаолият юритар экан, шунинг учун бу тизимнинг аҳамиятли тарзда фарқланувчи икки хил асосли (фаолият ва ривожланиш) режаларига эҳтиёж мавжуд бўлади. Объектнинг фаолият жараёнини ўрганиш вақтида тизимнинг ўзгарувчан шароитларга

нисбатан барқарорликни таъминлайдиган хусусиятлари диққат марказида бўлади.

Тизимнинг ривожланиш режасини таҳлил қилганда, бир вақтнинг ўзида унинг учун зарур бўлган хусусиятларни сақлаб қолиш ҳолатида турли силжишларни таъминлайдиган хусусиятлари марказий ўрин эгаллайди [213].

Шу билан бирга, М.Л.Федюнин таъкидлаганидек, барқарорликни таъминлаш механизми ва ривожланиш механизми аҳамиятли даражада автоном тарзда фаолият олиб боради ва асосан тизимнинг турли таркибий қисмлари билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун, аввалгисини билиш ҳар доим ҳам иккинчисини тушуниш шарти ҳисобланмайди [162]. Бундан келиб чиқиб тайёрлаш жараёнини қуйидаги икки ёндашув асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тузилмавий-компонентли, яъни тизимнинг вазифавий режасини ўрганиш;
- тузилмавий-функционал, яъни тизимнинг ривожлантириш режасини ўрганиш.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги тушунчалар ушбу масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади:

- малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнини яратиш;
- тайёрлаш жараёнининг асосий компонентлари;
- вазифаларда намоён бўладиган улар орасидаги алоқа хусусиятлари.

Тайёрлаш жараёнининг моҳияти, К.К.Федотова фикрича, педагог ва тингловчининг мақсадли ўзаро муносабатларидан иборат бўлиб, улар доимий равишда ўзгариб туради ва улар давомида тингловчиларни тайёрлаш ҳамда ривожлантириш вазифалари ҳал қилинди [161]. Аслида, ушбу таърифда тайёрлаш жараёнининг асосий компонентлари – таълим, ўқитиш ва унинг асосий вазифалари – таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи белгилаб берилган. Шуниси тушунарлики, тингловчиларни ўқитиш жиҳатидан ушбу жараённинг компонентлари ва вазифалари янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилувчи муайян ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, тайёрлаш инсон фаолиятининг кўринишларидан бири ҳисобланиб, икки томонлама характерга эга бўлади. У албатта муайян (ўқув-моддий, маънавий-психологик, ахлокий, кундалик) шароитларда таълим берувчи (педагог, методист) ва таълим олувчи (тингловчи ёки педагоглар жамоаси, гуруҳи) ўртасидаги ўзаро алоқани ўз ичига олади. Кенг маънода, малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёни ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартлашган икки жараён - таълим бериш ва ўқитишдан иборат бўлади. Тингловчиларни ўқитиш назарияси қоидаларига асосланган ҳолда уларнинг ҳар бирининг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Таълим бериш жараёни – бу ўқитиш жараёнида таълим берувчининг фаолияти ҳисобланади. Тингловчиларни ўқитишнинг хусусиятлари қуйидаги асосий қоидаларда ифодаланади:

- ўз таълимида етакчи роль мутахассиснинг ўзига тааллуқли бўлади;
- малака ошириш тингловчининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг шахсий таълим эҳтиёжларига мос келиши ва ушбу эҳтиёжларнинг ўсишини рағбатлантириши керак;
- малака ошириш жараёнида шахснинг ички кучларини ишлатиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш учун табиий инсоний истакка таяниб, мутахассиснинг субъектив соҳасини фаоллаштириш керак [167].

Аввало, таъкидлаш керакки, тингловчиялар аудиторияси билан ишлашда, яъни малака ошириш тизимидаги таълим жараёнида иштирок этадиган шахслар доираси сезиларли даражада кенгайишини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу К.Н.Луров таклиф этган педагог кадрлар малакасини ошириш тизими таълим жараёнида ахборот алоқаси схемасидан аниқ кўриниб туради. Муаллифнинг фикрига кўра, бу схема олтита компонентдан иборат:

- ахборот манбалари;
- узатувчи;
- алоқа чизиқлари;
- қабул қилгич;

- манзилгоҳ;
- ҳалал берувчи манбалар [121].

Олий таълимдан кейинги таълим тизимида ахборот алоқасининг ўзига хос хусусиятларига эътиборни биринчилардан бўлиб К.А.Сиротова қаратган. Хусусан, у маълумотлар ўтишининг турли босқичларида ва муайян ҳолатларда тизим бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта ахборот воситаларига айланишини таъкидлайди. Шундай қилиб, у ахборот манбаси бўлиши, истеъмолчиларга ахборотни етказиши, ахборотни тарқатувчиси, истеъмолчиси ёки манзил олувчиси бўлиши мумкин ва тизим орқали маълумотлар истеъмолчига етиб бормаганлиги ёки нотўғри ишлаш натижасида нотўғри шаклда келиши мумкин бўлган аралашув манбаи ҳам бўлиши мумкин [152].

Малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг ахборот алоқаси схемасининг деталлаштирилиши, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи ва шу асосда педагог фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва унинг позициясини аниқлайдиган ушбу компонентларнинг таркибини аниқлаш имконини беради.

Хусусан, асосий маълумот манбаларидан бири (дарслик билан бир қаторда) педагог кадр бўлган ўрта ва олий мактабдаги таълим жараёнидан фарқли равишда, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидаги ўқитувчи ахборотнинг асосий манбаи бўлиши мумкин эмас. Бунда илмий, илмий-педагогик адабиётлар, педагогик тажриба (ҳам шахсий, ҳам ижодий иш олиб боровчи педагоглар, ҳамкасблар тажрибаси), оммавий ахборот воситалари, методик ходимлар, замонавий алоқа воситалари (ахборот-коммуникация технологиялари) ва бошқалар ахборотнинг муқобил манбалари ҳисобланди. Бу ҳолат педагоглар малакасини ошириш тизимининг таълим жараёнида педагогнинг ҳақиқий позициясига сезиларли даражада таъсир қилади. Унинг роли ва фаолиятининг табиати ўзгариб боради. Бу ҳолатда асосий вазифалар илмий фактлар, қоидалар, қонунларни етказиш, махсус ва умумий илмий қўникмаларнинг шакллантирилишидангина эмас, балки педагогга зарур

профессional ҳамда умуммаданий билим ва ахборотни олиш, ундан кейин фойдаланишда кўмаклашишдан иборат бўлади. Шу асосда педагогнинг тайёргарлик жараёнидаги асосий функциялари қуйидагиларда намоён бўлади:

- педагогик амалиётнинг турли соҳалари бўйича ахборотни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича педагог кадрлар учун қимматли янги илмий ахборотларни ишлаб чиқиш, бу эса малака ошириш муассасалари ва ташкилотларининг илмий-тадқиқот ишларини сезиларли даражада долзарблаштиради;

- тингловчиларни имкон қадар кўпроқ маълумот манбалари билан кенг таништириш, улар қизикқан масалалар бўйича керакли маълумотларни олишлари, маълум манбаларни олиш ва доимий фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

- тингловчиларнинг мустақил равишда зарур кўникма ва малакаларини излаш, уларни қайта ишлаш ва амалиётда қўллаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Асосий маълумот манбаларидан бири педагог бўлган ўрта ва олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнидан фарқли равишда, малака ошириш тизимида ахборотни етказиб берувчилар доираси кенгрок бўлади. Бу доирага тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган, бироқ тингловчилар учун керакли ва фойдали маълумотларнинг эгалари ҳам қирадилар. Масалан, бундай ахборотга методик хизмат ходимлари кириши мумкин бўлиб, улар педагогларни маълум даражада ўқитиш ва педагоглар малакасини ошириш жараёнларини ташкил этишда, айниқса, педагог кадрларнинг ўз-ўзини тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади [215].

Тингловчи учун муҳим бўлган маълумотларга уларнинг ҳамкасблари эга бўлиши ва етказишлари ҳам мумкин бўлиб, бу эса албатта ўқув гуруҳидаги психологик микроклимнинг аҳамиятини оширади. Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, педагогик фаолият ижодий фаолият бўлгани учун тингловчининг ўзи ҳам маълумот манбаси ва ахборот ташувчиси бўлиши

мумкин. Шунинг учун, таълим жараёнида ахборот фақатгина битта йўналишда - тингловчиларгагина эмас, балки, аксинча йўналишда ҳам ҳаракатланиб, яъни педагог, методист, ўз навбатида, ўзининг илмий-тадқиқот фаолияти учун муҳим бўлган маълумотни олади. Шу маънода ахборот алмашинуви ўзаро манфаатли шарт-шароитларда тўлиқ амалга оширилади, аммо буни педагогнинг ўзи мана шу манбалардан маълумот олишга тайёр бўлгандагина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Шундай қилиб, тайёрлаш жараёни иштирокчилари муносабатлари ва ўзаро фаолияти характерининг ахлоқий муаммолари долзарблашиб боради.

Малака ошириш тизимида тингловчиларни ўқитиш ва таълим бериш ҳақида сўз борар экан, педагогнинг авторитети ва унинг тингловчиларга нисбатан муносабати масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сир эмаски, педагогнинг талабалар аудиториясига нисбатан тингловчилар аудиториясида ишончни қозониши анча қийин ҳисобланди. Бу ерда ёш омили мутлақо зид таъсирга эга бўлиши мумкин, тингловчилар педагог ёки методистдан нафақат ёш жиҳатдан каттароқ бўлишлари, балки кўпроқ ҳаётий ва касбий тажрибага, муайян масалаларда яхши маълумотга, юқори умуммаданий даражага эга бўлишлари мумкин. Бундан келиб чиқиб, педагогнинг ўзи, касбий даражаси, педагогик маҳорати устида қатъий, узлуксиз меҳнат қилиши фавқулодда муҳим аҳамият касб этади [54, 142, 151].

Ҳар қандай ахборот алоқасида муҳим таркибий қисм бу ахборот узатиш чизиғи (линияси) яъни алоқа чизиғи ҳисобланди. Бизнинг ҳолатимизда, тайёрлаш жараёни бир эмас, бир неча алоқа чизиғига эга бўлиб, натижада ахборот ва билимлар етиб келади ҳамда қабул қилувчи-адресат томонидан ўзлаштирилади. Бундай мулоқот педагог билан ўзаро муносабатларнинг натижаси сифатида амалга оширилиши мумкин, бу ерда педагог устун роль ўйнайди. Шунингдек, у тингловчининг мустақил ишлаши ва ўз-ўзини ўқитиши натижасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Алоқа чизиғини ўқув гуруҳидаги ҳамкасблар билан мулоқот ҳам таъминлаши мумкин. Ва, албатта, тингловчиларнинг педагог билан ўзаро муносабатларида амалга

ошириладиган алоқа чизиғи тўғрисида гапирмасликнинг иложи йўқ, бу ерда етакчи роль тингловчига тегишли бўлади.

Кўп алоқа чизиклардан бирини ажратиб олиш ва уларни асосий деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки тайёрлашнинг турли вазиятлардаги реал амалиётида турли чизиклар ишлайди ва кўпинча шу жараёнга бир вақтнинг ўзида уларнинг бир канчаси жалб этилади. Бу педагогнинг фаолиятига сезиларли таъсир қилади. Педагогни тайёрлаш жараёнини ташкил қилишдаги фаолият, масалан, ўрта мактаб педагогларида сифат жиҳатидан фарқ қилади. Педагогнинг вазифаси тингловчиларнинг таълим фаолиятини тўғридан-тўғри ташкил этишда (ўрта мактабда бўлгани сингари) эмас, балки тингловчига ўзининг таълим фаолиятини ташкил этишда ёрдам беришдан иборат бўлади.

Бундай ҳолатда умуммаълум бўлган коиданинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак, яъни муайян маънода ҳар қандай таълим ўз-ўзига таълим беришдир, аммо катталар таълимида бу ҳолат сезиларли даражада долзарблашади. Катта ёшдаги, олий маълумотли, ҳаётий ва касбий тажрибага, шаклланган дунёқарашга, кадриятлар тизимига эга бўлган педагог учун у билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда тўғридан-тўғри жалб қилиниши ва ўзгаларнинг қарорига таянмаслик жуда муҳимдир. Малака ошириш тизимида тайёрлашда тингловчи ўз таълимотини ташкил этувчи ва яратувчиси бўлганда исталган натижага эга бўлади. Таълим беришнинг асосий жиҳати - тингловчининг ўз ривожланиш йўлларига йўналтирилганлиги ва ўзининг таълимий эҳтиёжларини қондириш учун ўз кучлари, қобилиятлари ва имкониятларини ишга туширишдир [165].

Юқорида таъкидланган ахборот алоқаси чизикларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, айнан ушбу компонентда энг кўп тўсиклар пайдо бўлиб, тайёргарлик жараёнининг самарадорлигини камайтириши мумкин. Айтиш лозимки, ахборотни етказилишининг бошқа босқичларида ҳам тўсиклар пайдо бўлиши мумкин, масалан, янги ахборотнинг қўлланилиши, эскирган ёки нотўғри миқдорий маълумотлардан фойдаланилганлиги, уларни баҳолашда етарлича танқидий

ёндашувнинг камлиги сабабли тўсиқлар бўлиши мумкин, бу эса нотўғри хулосалар келтириб чиқаради ва ўқув маълумотларини амалий фойдаланиш учун яроксиз ҳолга келтиради. Бироқ, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, тайёрлаш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари бўйича муҳим тўсиқлар айнан алоқа чизиғи боскичида юзага келади. Бунинг сабаби, таълим маълумотларининг тингловчилар томонидан қандай идрок этилиши унинг етказилишига боғлиқлигида бўлади. Малака ошириш жараёнидаги тингловчиларга ғояларни, тайёр хулосалар, қарорлар ва хоказоларни мажбуран сингдириб бўлмайди. Таълим беришга нисбатан бундай ёндашув кўпинча педагогик амалиётнинг ижодий асосидан маҳрум этишга олиб келади, предметларни ўқитиш методикасида истеъмолчилик деб номланувчи тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келади. Малака ошириш тизими ходимларининг кўпчилиги ҳозирги вақтда ҳам тингловчиларни амалий тайёрлашнинг йўналишини уларга иложи борица машғулотлар бўйича кўпроқ услубий ишланмаларни, тарбиявий тадбирларни, таълим фаолияти, муайян педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш бўйича тавсиялар, касбий фаолият рецептлари беришда кўришади. Аммо, амалий тажриба шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатлар натижасида педагогларнинг амалий кўникмалари ва қобилиятлари ортмайди, аксинча, тингловчилар ўзларини ўйлаш, вазиятга мувофиқ ҳаракат қилиш, стратегик қарорлар қабул қилиш истагини йўқотадилар [56].

Андрагогиканинг қоидаларидан бирига асосан, катта ёшлиларнинг аксарияти мустақил қарор қабул қилиши, нафақат педагогнинг таклиф этган таълим муаммоларини ечиши, балки уларни мустақил равишда аниқлаши, таълим ва касбий муаммоларни қандай ҳал қилишни янги усулда кўриб чиқишлари мумкин. Шундай қилиб, ўз-ўзини тайёрлашни ташкиллаштиришга тингловчининг кучи етарли бўлади ва шунинг учун педагогнинг вазифаси тингловчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва ўз фаолиятини мос равишда ташкиллаштиришдан иборат бўлади.

Шу нуқтаи назардан педагог фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишларини аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- тингловчиларнинг таълим эҳтиёжларини, уларнинг қобилиятлари ва реал имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш;

- тингловчиларнинг ўқув фаолиятга нисбатан мотивациясини ошириш, тайёрлаш жараёнида интерфаол таълим методларини қўллаш йўли билан педагоглар шахси субъектив соҳасини фаоллаштириш;

- ўқув амалиёти ва тажрибасини чуқур, кўп томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда таълим маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш, педагогларнинг профессионал рефлексиясини ривожлантириш [67].

Шундай қилиб, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида тайёрлаш жараёни бу авваламбор, тингловчининг фаолияти бўлиб, бироқ таълим олувчиларни ўқитишдан фарқли равишда нафақат педагогнинг раҳбарлиги остида кўникма ва малакаларни эгаллаш, билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади [92, 108, 213].

1. Олий маълумотли, маълум бир ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлган тингловчи учун тайёрлаш таълим олувчи учун бўлгани каби асосий фаолият шакли ҳисобланмайди. Маълум маънода бу турдаги фаолиятни доимий, сурункали ҳисоблаш мумкин, чунки у тўғридан-тўғри меҳнат фаолияти билан параллел равишда амалга оширилади ва моҳиятига кўра узлуксиз ҳисобланади. Малака оширишдаги тингловчи учун тайёргарлик бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, мутахассиснинг бошқа ҳаётий ва касбий мақсадларига эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, ўзларининг педагогик маҳоратини ошириш, ўз предмети бўйича янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш, таълим-тарбия муаммоларини янада самарали ечиш, ўз фаолиятида мақбул қарорларни қабул қилиш, тоифани ошириш, юқори лавозимни эгаллаш ва ҳ.к.

2. Одатда тингловчиларнинг аксарияти учун тайёргарликнинг мақсади аниқ ва англанилган ҳисобланди. Бунда тингловчилар ҳам амалий-касбий ҳам

ҳаётий фаолиятидаги ўз эҳтиёжлари тайёргарлик жараёнидаги фаолиятининг якуний натижаси олдиндан кўрилган. Бундан ташқари, тингловчилар тайёргарлик жараёнида эришганларининг муҳимлиги ва кадрили, уларни қўллаш соҳаси ва эҳтимолий самарасини, эришилган таълим капиталидан фойдаланиш ва бунинг натижасида юзага келадиган истикболларни ҳисобга олган ижобий ўзгаришларини англаб етишади.

3. Малака оширишдаги тингловчиларда, асосан, муайян таълим эҳтиёжлари шаклланган бўлиб, педагог ходимлар уларни мустақил равишда аниқлаш ва тушунишга қодир ҳисобланишади. Бир томондан, бу таълим мақсадлари ва уларнинг мотивациясини белгилашга, натижаларга, сифатга эришишга сезиларли даражада таъсир қилади. Бошқа томондан, у бошқа педагоглар ва уларнинг ўзларининг педагогик тажрибаларини танқидий таҳлил қилиш, ўзлари билан боғлиқ бўлган рефлексив жараёнларни, уларнинг билим ва кўникмаларини фаоллаштиришга туртки беради.

Бундан ташқари, малака ошириш тизимида педагог кадрларни тайёрлаш тингловчининг ўзига хос танқидий таҳлилини амалга ошириш, унинг ҳақиқий малакаси даражасини аниқлаш, уни истаган нарсалар билан таққослаш ва шу асосда ўз таълим эҳтиёжларини, стратегияси ва уларга мос келадиган тактикасини белгилашга қаратилганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

4. Малака оширишдаги тингловчиларни тайёрлаш жараёнида таълим олувчилардаги каби ғамхўрлик, бошқарув талаб қилинмайди. Аксинча, катталарни ўқитиш самарадорлиги таълим олувчининг етакчи роли билан янада кўпроқ бўлади. Ушбу жараёнга четдан туриб аралашув (хусусан ўқитувчи, услубчи) тайёрлаш жараёнида тингловчининг ҳам мотивациясини ҳам фаоллигини пасайтириб, унинг натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Малака ошириш даврида тингловчиларни тайёрлаш жараёнини бошқалар томонидан бошқарилиши ўз-ўзини бошқариш билан алмаштирилади. Шунинг таъкидлаш керакки, педагогларнинг аксарияти ана шундай ўз-ўзини ташкил этишнинг маълум қобилиятлари ва тажрибаларига эга бўлиб, улар ишлаб

ривожлантириш ва такомиллаштирилиши керак, бу эса яна бир бор бош ролни тингловчига тегишли бўлишини кўрсатади.

5. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тингловчиларни тайёрлаш жараёнида ахборот алоқасида тингловчи унинг хоҳланган таркибий қисмлардан бирига - ахборот манбаи, ахборот узатувчига айланиши мумкин ва шунинг учун у нафақат ўз таълим жараёнини ташкил этишга, балки шу жараёнда тингловчилар гуруҳига таъсир ўтказишга ҳам қодир бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, индивидуал таълим шакллари билан биргаликда жамоавий таълим шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар нафақат ўрганиш воситаси, балки ўзаро билим алмашиш сифатида ҳам ишлайди. Шу нуқтаи назардан, тайёрлаш жараёнида тингловчиларнинг маънавий-ахлоқий позицияси муаммоси долзарблашади. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимида тингловчини самарали тайёрлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамкасблар (тингловчилар, педагоглар, бошқа тингловчилар), тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ва тенгдошларнинг позициясини назарда тутати.

6. Тингловчиларни тайёрлаш малака ошириш марказлардаги маълум вақтдаги таълим жараёни билангина чекланиб қолмасдан, аслида бу узлуксиз жараён бўлиб, педагогнинг касбий фаолияти давомида давом этади. Малака оширишнинг узлуксизлиги методик таъминот тармоғи (анъанавий ва алоҳида методик тадбирлар, конференциялар ва ҳ.к) ва педагогларнинг ўз-ўзини ўқитиш воситалари билан ҳам таъминланади. Шундай қилиб, педагоглар учун тайёргарлик бу узок муддатли узлуксиз жараён бўлиб, ўз моҳиятига кўра барқарор мақсад - касбий ва шахсий камолга эришишга асосланади. Бу жараёнда педагоглар малакасини оширишнинг барча босқичларида ворисийлик ва изчиллик алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш керакки, мутахассисларни ўқитиш муддати ушбу жараёнда тўсиқларнинг ошишига олиб келади. Бу тўсиқлар ҳам объектив ҳам субъектив сабабларга, хусусан, реал ишлаб чиқариш ҳолати, маиший ва оилавий муаммолар, вақтнинг, ахборот манбаларининг

етишмаслиги, педагогларнинг қобилияти ва имкониятлари, уларнинг мақсадлари, муносабати, ниятлари ҳамда бошқаларга боғлиқ бўлади. Ушбу тўсиқлар маълум бир шаклда малака ошириш тизимида педагог кадрларни тайёрлаш тизимидаги таълим сифатига таъсир қилиб, ушбу жараённинг ўзига хослигини белгилайди. Бу ҳолатни педагогик кадрларни олий таълимдан кейинги тайёрлаш жараёнини ташкилаштиришда ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас.

Педагог кадрларни малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг асосий таркибий қисмлари бу ўқитиш ва таълим бериш жараёни ҳисобланиб, у олий таълимга таққосланганда аҳамиятли фарқланишга эга бўлади. Ушбу фарқлар тайёргарлик жараёнининг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини, ажралмас тизим сифатида ўзига хослигини аниқлайди. Тизимнинг таркибий қисмлари ўртасида мавжуд бўлган алоқалар тизимни шакллантиради, яъни унинг ёрдамида алоҳида компонентлар тизимга қўшилади. Ўқитиш ва таълим жараёни бир-бирига боғлиқлиги тушунарли ҳол бўлиб, уларнинг натижасида тайёргарлик жараёни шакллантирилади. Ўқитиш жараёни ва таълим жараёнининг ўзига хос хусусияти педагог ва талабанинг ўзига хос алоҳида мавқеида, уларнинг ўзаро фаолияти характерида намоён бўлиб, ўқитувчини таълим жараёнида четлаштирмайди. Тайёрлаш жараёнининг ўзига хослиги вақатгина унинг таркибий элементлари табиатига, балки ушбу тизим бажарадиган функциялар, унинг мақсадларига ҳам боғлиқ бўлади [18, 141, 187].

Бу ўринда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидаги тайёрлаш жараёнининг долзарб вазифаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, С.Ю.Дивногорцева таъкидлашича, объектнинг турли характеристикалари функциялар ёрдамида бир бутун кўринишга синтезлашиб, бу ўринда функциялар тушуниш математик бўлмасдан, нисбатан кенг маънода – қисмларнинг бир бутунга жамланиши тартибини белгиловчи, ўзаро алоқа сифатида англанади. Функцияларнинг бирлиги объектни иерархик ташкиллаштирилган тизим сифатида тасаввур этиш

имконини беради. Функцияларни тушуниш оркали морфология тушунчасидан тузилмани тушунишга, яъни объектнинг қурилиши тўғрисидаги тасаввурдан унинг ташкиллашуви ҳақидаги тасаввурга ўтиш мумкин бўлади [71]. Тайёрлаш жараёнининг структурасининг ўзига хослиги нафақат унинг элементларининг табиати, балки уларнинг ишлаши учун ҳам ушбу тизим [18, 141, 187] бажарадиган функцияларга боғлиқ.

Ушбу тадқиқот доирасида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг функционал хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай ижтимоий тартибнинг ҳар қандай тизими фаол, самарали бўлиб, у биринчи навбатда унинг функцияларида намоён бўлади. Тизимнинг функциялари унинг таркибий қисмлари ишлашининг интеграллашган натижасидир, иккинчисининг функциялари эса асосан умумтизим функцияларнинг уларга кўрсатадиган таъсири натижаси ҳисобланади [86]. Натижада, тайёрлаш жараёнининг таркибий қисмлари ишлашнинг интеграциялашган натижаларини аниқлаш бизни нафақат ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, балки унинг самарали лойиҳалаши усулларини аниқлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг функциялари сифатида таълим, тарбия ва ривожланиш қабул қилинган ҳисобланади. Ўз навбатида, ўрганилаётган муаммога бағишланган илмий адабиётларни таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг таркибий қисмлари ишлашининг интеграллашган натижаси бирмунча кенг эканлигини кўрсатади. Шу муносабат билан биз бирмунча мураккаб тузилмага эга бўлган тайёрлаш жараёнининг тўрт асосий функциясини ажратиб кўрсатамиз [18, 108, 109]. Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Ўқув ва ахборотли функция. Маълумки, таълим - ижтимоий етуклик ва индивидуал ўсишга эришиш имкониятини берувчи шахснинг қобилиятини ва хатти-ҳаракатларини такомиллаштириш жараёни ва натижаси ҳисобланади. Шу билан бирга малака оширишдаги тингловчилар билан ишлашда тайёрлаш жараёнининг таълим функциясини фақат билим ва малакаларни

шакллантириш билангина чеклаш мумкин эмас. Педагогларнинг аксариятида касбий педагогик фаолият ва мустақил таълим, шунингдек, малака ошириш тизимида (ёш мутахассислар бундан мустасно) ўқитиш жараёни, олий таълим муассасасида ўқиётган вақтида касбий талабларга жавоб берувчи махсус ва умумий илмий билимлар, малакалар ва қобилиятлар шаклланган. Ушбу ҳолат малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг таълим функциясининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Бунда тайёрлаш жараёни педагогларда шаклланиб бўлган билим, кўникма ва малакаларни кенгайтиришга қаратилган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, илгари мутахассисларни тайёрлашнинг аввалги босқичларида олинган билимларнинг маълум бир қисми йўқолиб қолади, унутилади ва малака ошириш тизимида тайёрлашнинг таълим функцияси уларнинг такрорланишидан иборат бўлиб, педагогнинг самарали касбий фаолияти учун энг зарур бўлган нарсани фаоллаштиради.

Бундан ташқари, педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг функциялари кенгайиб бормоқда ва бунинг натижасида таълим берувчи ва тингловчининг ўзаро фаолияти мобайнида муайян билимлар тизимининг нафақат ўзлаштирилиши ва бойитилиши, балки янги билимлар, яъни тушунчалар, қонунлар ва қонуниятларнинг ишлаб чиқирилиши содир бўлади. Бу ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш орқали янги далиллар, маълумот ва ахборотни жалб қилиш ҳамда ўрганиш орқали ахборот базасини кенгайтиришни талаб қилади.

Шу билан бирга ахборотни билим билан айнанлаштириш мумкин эмас. Билим - бу воқеликни акс этиши жараёнларининг билиш натижаларининг ўзлаштирилишининг маънавий шакли бўлиб, уларнинг ҳақиқийлигини англаш билан тавсифланади. Ўз навбатида, маълумот билимларни ривожлантириш, уларни эътиқодга айлантириш ва педагогнинг амалий ҳаракатларига кўрсатма бериш учун зарур шарт ҳисобланади. Тайёрлаш жараёнининг ахборот функцияси педагоглар учун фақатгина илм-фаннинг турли соҳалар бўйича маълумот етказиб бериш бўлиб қолмасдан, балки педагог маҳоратининг

таркибий қисми ҳисобланувчи касбий-педагогик ижод учун асос сифатида хизмат қилади [44, 101, 111].

2. Таҳлилий-рефлексив функция. Бугунги кунда амалиётни, ўзгаришлар, янгиликлар ва ихтироларни танқидий тушунмасдан туриб компетент бўлиш мумкин эмаслиги шубҳасиз ҳисобланади. Бу педагог кадрларнинг касбий фаолияти соҳасига ҳам тўлиқ тегишлидир. Замонавий педагогик амалиёт турли инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялар ва техникалар билан тўлдирилмоқда. Алоҳида фанларни ўқитиш, таълим оловчиларни тарбиялаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитишнинг муқобил шакллари ва усуллари соҳасидаги инновациялар билан боғлиқ муаммоларга олимлар эътиборининг кучайиши кузатилмоқда. Албатта, бу педагогик амалиётни бойитади, лекин шуни таъкидлаш керакки, педагогга таклиф қилинадиган ҳамма янгилик ҳам вақт синовига бардош бера олмайди ва турли сабабларга кўра қутилган натижани бермайди ҳамда улар такомиллаштирилишини талаб қилади. Бундан ташқари, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида тайёрлаш жараёни мутахассисларнинг нафақат билим ва кўникмаларини кенгайтириш ва бойитиш, балки уларни амалиётнинг танқидий таҳлиллари асосида кенгайтириш ва бойитиш учун ҳам қимматли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, тайёрлаш жараёнининг таҳлилийлигига муайян ўзига хос функция сифатида қаралиши мумкин бўлиб, бу ҳам таълим бериш, ҳам таълим олиш жараёнининг интеграллашган натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари, тайёрлаш жараёни педагогнинг касбий рефлексиясини кучайтириши керак, бусиз малака ошириш ҳеч қандай маънога эга бўлмайди. Педагог ўз таълим жараёнида етакчи роль ўйнайди. Шу сабабли, ўзларининг таълим эҳтиёжларини аниқлаш ва тушуниш, замонавий педагогларнинг малака ошириши ва шахсий ривожланишининг зарур бир шарт ҳисобланади. Тингловчининг касбий рефлексиясининг фаоллаштирилиши таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ўз-ўзини, фаолияти, мавжуд билимлари, малакалари, шахсий фазилатлари, қобилиятлари ва имкониятларининг танқидий баҳоланиши улар томонидан ўзининг ҳам шахс,

хам профессионал сифатида ҳақиқий образини англаб етишга ёрдам беради. Бир томондан, бу малака оширишнинг узлуксиз тизимида педагогларни тайёрлашга мотивацияси учун туртки бўлса, бошқа томондан таълимнинг мазмуни, шакллари ва усулларининг тингловчининг ҳақиқий эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим бериш жараёнини йўналтириш, унинг самарадорлигини оширишга имкон беради [29, 40, 46, 157].

3. Тарбия функцияси. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларда тарбия тушунчасини кенг ва тор маънода шарҳлаш қабул қилинган. Кенг маънода тарбиялаш - бу авлодлар тажрибасини қабул қилиш ва ўзлаштириш, тор маънода эса тарбиячиларнинг тарбияланувчиларга тизимли таъсир кўрсатишидир. Тарбия узлуксиз ва маълум маънода чексиз жараёндир. Инсоният бор экан жамиятда тажрибанинг авлоддан-авлодга қадар алмашинуви мавжуд бўлади. Инсон эса бутун ҳаёти давомида тарбияланиб боради. Шу муносабат билан малака оширишдаги тингловчилар таълими ҳақида гапириш адолатли ҳисобланади. Малака ошириш тизимида нафақат касбий педагогик фаолият тажрибасини етказилиши, балки ушбу тажрибанинг орттирилиши ҳам содир бўлади. Педагог, тингловчилар нафақат бошқа педагогларнинг тажрибасини қабул қилиб, уни маълум миқдордаги билимлар сифатида ўзлаштиради, балки ўзларининг педагогик тажрибаларига эга бўлишиб, уни кенгайтириб, тўлдириш билан шугулланади. Аслида, педагогик кадрларнинг малакасини ошириш тизимидаги барча жараёнлар мутахассисни ўз касбига эга бўлишига эришиш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, самарадорлик асосан педагогнинг амалий ишларида юзага келган ижобий ўзгаришлардан иборат.

Шу билан бирга, малака ошириш тизимидаги вазифалар сирасидан тор маънодаги тарбия тушунчасини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас. Профессионал нуқтаи назардан муҳим шахсий сифатлар, характер чизгилари, ҳулқ-атвор кўникмаларини доимий ва узлуксиз такомиллашувини таъминловчи тингловчиларнинг шахсига мақсадли таъсир кўрсатиш малака ошириш тизимида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Шу билан бирга, малака ошириш тизимидаги тарбия функцияси олий таълим тизимида нисбатан сезиларли фарқларга эга. Ушбу фарқлар қуйидагилар:

- тайёрлаш жараёнининг тарбиявий функцияси дунёқарашлари, ахлоқий кадриятлар тизими, одатлар, кадриятлар ва бошқалар шаклланиб бўлган катта ёшдаги инсонларга нисбатан қўлланилади;

- тарбиявий таъсир ўз-ўзини тарбиялашни рағбатлантириш, педагогнинг шахсини такомиллаштиришга йўналтирилиб, яъни одатда педагог ва тингловчи бир шахсда ҳаракат қилишади.

Шубҳасиз, бу ҳолат педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг ўзига хослигини белгилаб, таълим жараёни таркибининг ўзаро алоқаси ва иштирокчиларнинг роли ўртасидаги муносабатларни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Педагог борган сари маслаҳатчи бўлиб, педагог ва тингловчининг ўртасида хушмуомалалик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматнинг ўрнатилишига кўмак беради [57, 67, 71, 199].

4. Педагог кадрларни малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг ривожлантирувчи-рағбатлантирувчи функцияси биринчи навбатда, мутахассисларнинг таълим эҳтиёжларини ривожлантиришга йўналтирилганлигида акс этади. Маълумки, инсон қанчалик кўп билимга эга бўлса, у шунчалик кўпроқ билишни истайди. Тингловчиларнинг билишга бўлган кизиқишининг ривожланиши катта ёшдагиларни ўқитиш жараёнига ҳам хос бўлиб, бунда ушбу жараён амалий фаолияти, шахсий тажрибаси, эгаллаган билим, малака, кўникмаси, шахсий хусусиятлари, имконият ва қобилиятларининг танқидий таҳлили асосида амалга оширилади.

Мутахассиснинг ўз педагогик фаолиятини такомиллаштиришга, дунёқарашини кенгайтиришга бўлган онгли интилиши, унинг таълим эҳтиёжлари ўсишини, шахсий фазилатларини ва педагогик фикрларни ривожлантиришни рағбатлантиради. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида ўқитишнинг энг муҳим вазифаларидан бири тингловчиларга

Ўзларининг педагогик фаолиятидаги маълум стереотиплар ва қолиплардан аниқлаш ва уларни бартараф қилишда ёрдам кўрсатишдан иборат. Бу айниқса, таълим беришда педагогик фаолиятда юқори стажга эга бўлган тингловчилар билан ишлашда долзарб ҳисобланади. Бу ерда олий таълимдан кейинги таълим тизимининг асосий карама-қаршиликларидан бири аён бўлади. Ўз соҳасида компетент бўлиш учун ўз касбининг моҳиятига сингиши керак ва бу эса муқаррар равишда чекланган, касбий педагогик фаолиятни механик такрорлашга олиб келади. Шу асосда, стереотиплар ва қолиплар жуда тез шаклланади ва педагогнинг улардан қутулиши осон кечмайди. Шу боис, малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёни педагог шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг умумий маданий тажрибасини бойитиш, дунёкараши ва умумий маданий эҳтиёжлари доирасини кенгайтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Педагогларни тайёрлаш жараёнида мутахассислар ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ижодий фаолиятни рағбатлантириш масалалари машғулотлар вақтида ҳам, келажакдаги касбий фаолиятларда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Малака ошириш тизимида интерфаол таълим усуллари, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали педагогларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, янги нарсаларни нафақат идрок этишга, балки янги нарсалар яратиш, ўз фаолиятини ўзгартиришга, эски услублардан, стереотиплардан, қолиплардан ҳолос этишга тайёрлаш мумкин. Ушбу функциянинг ўз-ўзини ўқитиш фаолиятини рағбатлантиришдаги муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Педагогнинг ўз билимини онгли равишда оширишсиз унинг малакасини оширишнинг узлуксизлигини таъминлаш мумкин бўлмайди. Таълим функцияси тингловчига ўз-ўзини ўқитиш ва мустақил ишлашнинг зарур кўникмалари ҳамда қобилиятларини ўргатиш, педагогга ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи яхшилашга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратишга ёрдам беришдир [51, 102, 143].

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турганидек, малака ошириш тизимида педагогларни тайёрлаш жараёнининг функциялари ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартлашган бўлади. Бирининг амалга оширилиши бошқаларининг ҳам татбиқ этилишига олиб келади. Маълум маънода биз ушбу тизимни бир бутунлигини белгиловчи функциялар мажмуаси ҳақида гаплашамиз ва уларнинг ажратиб кўрсатилиши шартли бўлиб, фақатгина уларнинг моҳиятини англаб етиш мақсадида қўлланилади. Шу билан бирга, функцияларнинг ўзига хослиги, шубҳасиз, малака ошириш тизимидаги педагогларни тайёрлаш жараёнининг структураси ва таркибининг ўзига хослигини белгилайди [171].

Боб бўйича хулосалар

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг назарий асосларини ўрганиш куйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

1. Ўрганилган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили турли олимларнинг лойиҳалаштиришга оид масалаларни ўрганишга нисбатан қизиқишининг ошиб бораётганлигини кўрсатди. Бу жамиятда, илм-фан ва технологияларда, шунингдек, таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўпчилиги тўғри лойиҳалаштириш жараёнлари орқали таъминланганлиги билан боғлиқ. Замонавий лойиҳалаштириш билан боғлиқ кўплаб масалалар орасида педагогик лойиҳалаштириш муаммолари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у муҳим восита, таълим жараёнини такомиллаштириш учун асосий омил сифатида қаралади. Шу билан бирга, кўпгина тадқиқотчилар педагогик лойиҳалаштиришни ижодкор педагогнинг касбий фаолиятининг таркибий қисми сифатида қайд этишмоқда.

2. Педагогик лойиҳалаштириш тушунчаси остида ўзининг янгилиги билан фарқланувчи, педагогик амалиётга қўллаш учун режалаштирилган педагогик маҳсулотни илмий асосланган ҳолда лойиҳалашга йўналтирилган

махсус ташкиллаштирилган жараён сифатида тушуниш мақсадга мувофик бўлади.

Шу билан бирга, яқуний педагогик маҳсулот сифатида турли педагогик лойиҳалар киритилиши мумкин:

- ўқув модуллари;
- ўқув адабиётлари;
- дидактик ва дастурий таъминот;
- педагогик технологиялар;
- методик ишланмалар;
- турли педагогик моделлар ва бошқа педагогик ишланмалар.

3. Педагогик лойиҳалаштиришнинг моҳияти, биринчи навбатда, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи мураккаб лойиҳа жараёнида, янги ёки янгиланган педагогик маҳсулотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа фаолиятида намоён бўлади. Ўз навбатида, педагогик лойиҳалаш тузилмаси, одатда, қуйидаги асосий ҳаракатларни аск эттирувчи ёпиқ цикллар кўринишида ифодаланади:

- маълумотлар таҳлили, долзарб педагогик муаммоларни аниқлаш, педагогик лойиҳалаштиришнинг асосий мақсади ва мақбул вазифаларини ишлаб чиқиш;

- мавжуд муаммоларни инновацион ҳал этишнинг ижодий гоялари ва имкониятларини асослаш, педагогик лойиҳалаштириш объектининг хусусиятларини ишлаб чиқиш, прогнозланган натижалар, прогностик ўзгаришлар ишлаб чиқиш, шунингдек, педагогик натижалар ва бошқаларни асослаш;

- ўзига хослик, ўлчовлилигини, амалда бажарилиши мақсадга мувофиқлигини, шунингдек, фаолиятнинг мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш объект моделининг мазмунини тайёрлаш;

- объектнинг элементларини яратиш ва уларни бир бутун сифатида бирлаштириш йўли билан педагогик лойиҳанинг экспериментал моделини ишлаб чиқиш;

- тайёрланган лойиҳани янада такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш даражасини ошириш учун синовдан ўтказиш, самарадорлигини аниқлаш, аниқлаштириш ва зарур тузатишлар киритиш.

Шу билан бирга педагогик рефлексия ҳар бир лойиҳалаштириш босқичининг мажбурий ва ажралмас элементи ҳисобланади.

4. Фаолиятнинг барча соҳаларини ахборотлаштиришнинг юқори даражаси, ахборот ва таълим жараёнларининг ўзаро таъсирининг сезиларли даражада ошиши педагогик лойиҳалаштиришни янги сифат даражасига кўтарадиган педагогик фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мунтазам равишда янгилаш имконини беради. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, замонавий таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти аниқ ва шубҳасиздир. Ушбу технологиялар, компьютерни ўрганиш услуги педагогларни қайта яратиш, янгилаш ва такомиллаштиришга мажбур қилади ва айрим ҳолларда таълим жараёнига усул ва ёндашишни тубдан ўзгартириш, педагогик лойиҳалаштириш билан фаолроқ шуғулланишга мажбур қилади.

5. Амалиёт шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологиялари педагогик лойиҳалаштириш жараёнининг барча босқичларида кенг имкониятлар ва истиқболларни очиқ беради. Шундай қилиб, педагогик лойиҳалаштиришдаги ҳамкасблар ва иштирокчилар ўртасида тажриба, ғоялар ва ютуқлар билан алмашиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва лойиҳа материалларини тақдим этиш учун керакли маълумотларни излаш, уларни қайта ишлаш имконияти кенгайтирилди ва сифат жиҳатидан ўзгарди. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари педагогнинг фикрларини электрон шаклда, кўрказмали тарзда мустақил равишда тақдим қилишга ва ўз ғоялари самарадорлигини текширишга имкон беради.

6. Малака ошириш тизимида педагогларни тайёрлаш жараёни умуман олганда таълимнинг асосий бўғини ҳисобланади. Бундай тайёрлашнинг асосий мақсади маълум бир маълумот ва ахборотни узатиш бўлиб қолмасдан, балки педагогнинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш ва мақсадли

изланишни рағбатлантириш, керакли маълумотларни, билимларни қўллашни, кидирувни мустакил равишда давом эттиришни ва ўзини ўзи такомиллаштиришни ўз ичига олади. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагог кадрларни малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнлари педагогик ходимларнинг шахсини ривожлантиришда ва педагогларнинг касбий ҳамда шахсий малакасини оширишга қаратилган изчил ҳаракатлар мажмуаси сифатида ходисаларнинг изчил ўзгариши сифатида кўриб чиқилиши керак.

7. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагог кадрларни малака ошириш тизимида тайёрлаш жараёнининг ўзига хослиги ўзаро бирлаштирилган ва ўзаро боглиқ бўлган таркибий элементларнинг (ўқув ва ахборот, тахлилий-рефлексив, тарбиявий, ривожлантирувчи-рағбатлантирувчи) функцияларининг умумий интеграциялашган тизимида намоён бўлмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу жараёнда: педагог тингловчилар учун мақсадли ахборот беришнинг ягона ва асосий манбаи эмас, балки кўпгина ахборот манбаларидан бирига айланади; тингловчи ахборот манбаи ва узатувчисига айланади ҳамда ҳамкасбларининг тайёрланишига таъсир қилади; педагогнинг вазифалари тингловчиларни тайёрлашни бевосита ташкил этишда эмас, балки унга мустакил равишда тайёрланишини ташкил қилишда ёрдам бериш; педагогнинг фаолияти тингловчининг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштиришдаги куч ва имкониятларини рағбатлантиришга қаратилган; педагог ва тингловчи тенг ҳуқуқли ҳамкорлар, тайёрлаш жараёнининг ҳаммуаллифлари; тингловчини тайёрлаш педагог учун асосий фаолият бўлиб қолмасдан, балки бошқа ҳаётий ва касбий вазифаларни ҳал этиш воситасидир; педагог тайёрлаш мақсади улар томонидан яхши тушунилади ва ҳаёт фаолияти эҳтиёжлари билан белгиланадиган таълим эҳтиёжлари билан белгиланади; тингловчини тайёрлаш педагогнинг касбий рефлексияси, мавжуд воқеликни танқидий таҳлил қилиш, ўзи ва ўз фаолияти билан чамбарчас боглиқ бўлади.

II-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШГА ТАЙЁРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида олий таълим муассасалари педагог кадрларини малака ошириш жараёнларида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш мутахассисларнинг касбий-педагогик тайёргарлик кўрсаткичларининг бири педагогик лойиҳалашга тайёрлиги ҳисобланади [190, 25, 104, 136]. Ушбу жихатдан, М.Б.Уразова замонавий педагогларни касбий тайёрлаш умумпедагогик ва махсус билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлашнинг яхлит жараёни, ушбу жараённинг натижаси эса касбий фаолиятга, шунингдек, педагогик лойиҳалашга профессионал тайёрлиги деб ҳисоблайди [160].

Бугунги кунда педагогик адабиётларда тайёрлик тушунчасининг нисбатан анча кенг амалий қўлланилиши мавжуд. Шу билан бирга, ушбу тушунчанинг талқини нисбатан анча фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан ўрганилаётган муаммо бўйича педагогик адабиётларни таҳлил қилиш ўринли деб ҳисобланади. Шундай қилиб, Ш.Д.Лазарев фикрича, касбий фаолиятнинг турли хил турлари бўйича мутахассис тайёрлиги тушунчаси моҳиятини аниқлашнинг учта асосий ёндашуви мавжуд:

- шахснинг муҳим психологик ҳолати сифатида тайёрлиги;
- психологик кўрсатма сифатида тайёрлиги;
- шахснинг хусусияти ва ҳолати тизими сифатида тайёрлиги [116].

Биринчи ёндашувни қўллаб-қувватловчи тарафлар, юқори касбий натижаларга эришиш учун зарур бўлган психологик функцияларга асосланган ҳолда тайёргарликни кўриб чиқадилар. Тадқиқотчилар мутахассиснинг ўзига хос хусусиятларига, шунингдек, унинг ҳаёт фаолияти шароитларига кўра,

киска муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин бўлган рухий ҳолатга боғлиқлигини эътиборга олади [113, 127].

Иккинчи ёндашув, тайёрлик тушунчасини шахснинг психологик установкаси сифатида кўриб чиқишни ўз ичига олади, бу фаолиятга ва шахс фаолиятининг бошқа шаклларига тайёр бўлиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра, установка битта турдаги психик ходиса бўлмасдан, балки келиб чиқиши ва турлари билан фарқ қилади. Яъни таълим олишнинг глобал шахсий установкалари мавжуд бўлиб, улар фаоллик шакллари намоён бўлишлигини белгилайди. Шунингдек вазиятли установкалар ҳам мавжуд бўлиб, улар фаолият натижалари ёки вазиятли омиллар таъсирида келиб чиқади. Натижада, установка, хатти-ҳаракат, фаолияти билан ҳосил қилиниб, янги хатти-ҳаракатлар, шахснинг фаолияти учун муҳим шарт ҳисобланади. Тайёрлик нафақат турли хил йўриқномалар, балки вазифаларни англаш, келажакдаги хатти-ҳаракатлар моделлари, фаолиятнинг оптимал воситаларини аниқлаш, муайян натижаларга эришиш зарурлиги билан боғлиқ имкониятларни баҳолашни ўз ичига олади. Олимларнинг фикрига кўра, установка ва тайёргарлик ҳолати фақат айрим ҳолатларда бир бирига тўғри келади, умуман олганда, тайёргарлик нисбатан бирмунча мураккаб тизимли шаклланишдир [132, 212].

Учинчи ёндашув доирасида фаолиятга психологик тайёрлик касбий фаолият субъекти томонидан ўз аксини топадиган ўзига хос шаклдир. Тадқиқотчилар тайёрликни процессуал ва потенциал жиҳатларда кўриб чиқишади. Процессуал жиҳатдан тайёрлик мутахассиснинг маълум бир ҳаракатларга қобилияти, кўникма ва малакаларида намоён бўлади. Потенциал жиҳатдан асосан мотивациявий ва шахсий хусусиятлар олдинга чиқади:

- ўзига ишонч;
- фаоллик;
- ҳамкорлик кўникмаси;
- педагогик вазиятни идора этиш кўникмаси;
- ҳиссиётларни бошқариш даражаси.

Ушбу йўналишнинг тарафдорлари касбий фаолиятга тайёрликни тадқиқ этишда шахс хусусиятлари, унинг психик ҳолати, касб тузилиши ва касбий меҳнат шарт-шароитларинини мажмуавий тарзда ўрганишни таклиф этишиб, бу муҳим аҳамиятга эга бўлиб, касбий тайёрликни сифат, хусусият ва ҳолатнинг кўпқиррали, мураккаб шаклланма сифатида кўриб чиқишга асос бўлади. Бундан ташқари, профессионал фаолиятга умумий тайёргарлик тушунчаси остида тадқиқотчилар маълум бир фаолият шароитида шаклланган динамик ҳодисани тушунадилар [25, 45, 50, 195].

Шундай қилиб, тадқиқотчиларнинг тайёрлик тушунчасига нисбатан турли нуқтаи назарларини таққослаш асосида ушбу атамани сифатлар мажмуасининг умумлаштирилган тарзида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, яхлитликнинг умумилмий тамойилини ҳисобга олганда педагогик лойиҳалашга тайёргарлик ва умумий касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик умуман олганда эга ҳисобланади [71, 103, 110, 128].

Шу муносабат билан К.К.Лазаревнинг фикри аҳамиятли бўлиб, у педагогнинг умуман олганда профессионал фаолиятга ва ўзига хос функцияларини бажаришига тайёрлиги хусусиятларини таъкидлайди:

- мазмуннинг кўп даражалилиги;
- тизимлилик;
- динамиклик.

Педагогик лойиҳалашга тайёрлаш мазмунининг кўп босқичлилиги муаллиф томонидан бир вақтнинг ўзида кўп босқичли алоқалар ва муносабатларни бирлаштирадиган, вақтинчалик ва самарали тайёргарлик даражасини ажратиб турувчи вақт-макон хусусиятларнинг бирлиги сифатида ҳисобга олинади:

- тўлиқ тайёрлик;
- қисман тайёрлик;
- тайёр эмаслик.

Муаллиф фикрига кўра, тайёрликнинг тизимлилиги шундан иборатки, унинг структураси оддий элементларнинг мажмуасини интеграллаштирувчи

мураккаб тизимли тузилмасини акс эттириб, маълум функцияларни бажаради. Элементларнинг шаклланиши ва тайёрлик компонентлари орасидаги боғлиқликнинг моҳияти педагоглар фаолиятининг хусусиятини белгилайди. Яъни, педагогнинг педагогик лойиҳалашга тайёрлиги тизимли характерга эга бўлиб, чунки у ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга кодир бўлган тизимларга хос хусусиятларга, ўз ички тузилиш мантикига эга, ҳар бир индивидуал элементнинг шаклланиш мантикийлигини ҳисобга олади, аммо уларнинг оддий суммаси ҳисобланмайди.

Динамика педагогик лойиҳалашга тайёрликнинг процессуал хусусиятини акс эттиради. Муаллиф тайёрликнинг қуйидаги босқичларини таклиф қилади:

- базавий назарий тайёргарлик;
- педагогик фаолият тажрибасини тўплаш;
- тажрибани умумлаштириш [117].

Ушбу диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг педагогик моҳиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Б.А.Бедерханова, ўз тадқиқотлари натижаларига кўра, педагогнинг таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга тайёрлиги қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларнинг синтези деган хулосага келади:

- мотивацион компонент, яъни, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга бўлган қизиқиш ва ижобий муносабат, уларни ишлатиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилиш ва педагогик салоҳият ва амалий фойдаланишнинг услубий жиҳатлари ҳақида билимларни тўлдириш;

- операционал-билиш компоненти, яъни ахборот-коммуникация технологияларининг структураси ва фаолият тамойиллари ҳамда уларни қўллаш усуллари билиш, бу борада ўз маҳоратини мунтазам такомиллаштириш;

- ҳиссий-иродавий компонент, яъни мақсадлилиқ, мустақиллиқ, ахборот-коммуникация технологияларини муваффақиятли қўллашга ишонч, белгиланган вазифага диққат-эътиборни жамлаш қобилияти;

- баҳолаш компоненти, яъни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга ўзларининг тайёрлигини баҳолаш ҳамда педагогнинг ўз фаолияти ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ таълим олувчилар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштириш қобилиятини баҳолаш [39].

Х.А.Доценко гуманитар соҳа педагогларини таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга тайёрлашнинг хусусиятларини ўрганиб, тайёрликни шахснинг интеграциялашган сифати тарзида белгилаб, уларни қуйидагиларда акс этишини қайд этади:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда таффақкур маҳсулдорлигини ошириш, хотирани ривожлантириш, кўникмаларини ошириш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- ҳаракатлар усулларини танлаш, ўз ҳаракатларини амалга оширишда ўз-ўзини назорат қилиш ва таълимни ахборотлаштириш жараёнида ҳосилдорликни ошириш усулларини киритиш имкониятини бериш [73].

А.Р.Никитина педагогларнинг ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга профессионал тайёрлигининг белгиланган компонентларини кўриб чиқиб, унда муаллифнинг фикрича, педагогнинг фаразни илгари суриши, таълим материални танлашни амалга ошира олиши, зарур ахборотни етказа билиши, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда уларнинг ўзлаштирилишини диагностика қилишни таъминлай олиши муҳим ҳисобланади [133].

Н.В.Кислинская, замонавий педагогик фаолият мураккаб тузилма бўлиб, ахборот фаолияти элементларини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан, олим ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил

этилган ушбу турдаги фаолиятни ахборот-коммуникация фаолияти сифатида белгилайди. Ўз навбатида, ахборот-коммуникация фаолияти турли даражаларда юз бериши мумкин ва ўз навбатида оптимал вариантда ўзида қуйидаги фаолиятни синтезлаши мумкин:

- фойдаланувчи педагог;
- вазифани белгиловчи педагог;
- фан педагог;
- касбий фойдаланувчи.

Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини эгаллаш барча турт турдаги фаолият билан бирлаштирилиши орқали таъминланиб, педагогик лойиҳалаш жараёнида эса тегишли билим ва кўникмаларнинг бирикмасини назарда тутди [135].

Шундай қилиб, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаганлик даражаси ҳамда касбий-педагогик фаолият самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқ ҳисобланади. Шу билан бирга, элементлардан бирининг ривожланиши бошқаларнинг ривожланишига ва бутун тизимга таъсир қилади ҳамда бу ўз навбатида педагогнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогнинг педагогик лойиҳалашга тайёрлигини шахс тузилмасидаги янги шаклланма ва интеграллашган характеристика сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий педагогик фаолият, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаш соҳасидаги тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш педагогнинг педагогик лойиҳалашга тайёрлиги таркибий элементларини аниқлаб, унинг умумий тузилишини белгилашга имкон берди. Шундай қилиб, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёргарликнинг умумлаштирилган таркибий қисмлари қуйидагилар:

- мотивацион компонент;

- когнитив компонент;
- ахборот-коммуникатив компонент;
- индивидуал-психологик компонент.

Ушбу қисмларни батафсилроқ таҳлилдан ўтказамиз. Мотивацион компонент қуйидагиларда белгиланади:

- педагогик лойиҳалаштиришнинг мақсади ва мазмунининг педагог томонидан аниқланиши;
- ахборот-коммуникация технологияларининг умуман олганда касбий-педагогик фаолиятда ва қисман педагогик-лойиҳалаштириш фаолиятидаги аҳамиятини тушуниш;
- педагогик лойиҳалаштириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига педагогнинг шахсий муносабати.

Мотивацион компонентнинг асосий кўрсаткичлари кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қуйидагиларда белгиланади:

- педагогик лойиҳалаштириш соҳасидаги қидирув-тадқиқот ишлари ва илмий изланишга қизиқиш;
- илмий изланишларда мустақиллик;
- педагогик лойиҳалаштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, такомиллаштиришдаги фаоллик;
- педагогик лойиҳалаштиришда қўллаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштиришга эҳтиёж;
- педагогик лойиҳалаштиришнинг мақсади ва моҳиятини аниқлаш;
- таълим оловчиларнинг лойиҳа фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уни бошқариш истаги.

Когнитив компонент замонавий педагог эга бўлиши лозим бўлган билим ва кўникмалар тизими сифатида тавсифланади. Когнитив компонентнинг кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- махсус касбий билимлар;
- дидактикани билиш ва уларни тегишли фанларни ўргатиш амалиётида қўллаш қобилияти;

- ахборот-коммуникация технологияларини билиш ва уларни педагогик лойиҳалаштириш жараёнида қўллаш ҳамда таълим олувчиларнинг лойиҳа фаолиятини бошқариш;

- педагогик лойиҳалаштиришнинг мақсади, мазмуни, усули ва воситалари ҳақидаги психолого-педагогик билимлар, тингловчиларнинг лойиҳа фаолиятини бошқариш.

Ахборот-коммуникатив компонент педагогик лойиҳалаштириш жараёнида тингловчининг ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши даражасини акс эттиради. Ахборот-коммуникатив компонентининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- педагогик жараённи ташхислаш учун ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти;

- педагогик прогнозлаш ва педагогик лойиҳалаштиришни ташкиллаштириш учун ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти;

- лойиҳа фаолиятининг натижаларини ташкил қилиш ва баҳолаш учун ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти.

Охирги, индивидуал-психологик компонент қуйидаги кўрсаткичларни қамраб олган:

- педагогик вазиятни объектив баҳолаш ва уни ҳал этишнинг энг мақбул усуллари қўллаш қобилияти;

- индивидуал ва жамоавий лойиҳалаштириш жараёнида "педагог-тингловчи", "тингловчи-тингловчи" тизимларида ижобий мотивация ва ўзаро таъсирнинг қулай психологик микроиқлимни таъминлаш қобилияти;

- лойиҳалаштириш гуруҳида ҳамкорликни ташкил этиш;

- педагогда фаоллик, бағрикенглик, ҳамкорликка эҳтиёж каби белгиларнинг мавжудлиги;

- ижодий (креатив) фикрлаш;

- рефлексия (акс эттириш);

- ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида педагогик лойиҳалаш натижаларини объектив баҳолаш ва уларни коррекциялаш қобилияти.

Индивидуал-психологик компонентнинг кўрсаткичларини кўриб чиқишда, ахборот-коммуникация технологияларидан шахсни ривожлантириш, билимларни такомиллаштириш ва касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларини фақатгина ижтимоий тармоқларда виртуал одамлар билан мақсадсиз алоқа ўрнатишга тенглаштириш керак эмас. Бундан ташқари, педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлиги тузилишида муҳим ўринни рефлексив-коррекциялаш кўникмалари эгаллайди. Хусусан, Ю.Н.Афанасьев ва С.Г.Шеховцов таъкидлаганидек, шахснинг ўзини ўзи баҳолаши инсоннинг ўзини ўзи шакллантириши марказий ўрин эгаллайди. Ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг шаклланиши фаолият жараёнида ва шахслараро ўзаро муносабатларда юз беради. Шахснинг ўзаро муносабатлари таркибида ўз-ўзини ҳурмат қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ўзи, унинг ҳаракатлари, қобилиятлари, сифатлари, тайёргарлиги даражаси, шахслараро муносабатлар тизимидаги ўрнини баҳолаш сифатида ўз-ўзини баҳолаш субъект томонидан ички руҳий ҳолатларни англаш жараёнини акс эттирувчи рефлексия билан бевосита боғлиқдир [29].

Рефлексив ёндашувнинг зарурлигига, одатда, кўпинча услубчи бўлган олим ва педагоглар томонидан эътибор қаратилиб, рефлексия шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўриб чиқилади [54, 182]. Педагогнинг рефлексив-коррекциялаш маҳоратининг мавжудлиги:

- ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ўзи ва ўзининг педагогик фаолиятига конструктив жиҳатдан танқидий муносабатда бўлишга имкон беради;

- педагогни ўз фаоллигининг субъектига айлантиради;

- педагогнинг ўзини такомиллаштириш ва касбий-ижодий ўзини ўзгаришга бўлган эҳтиёжини шакллантиришга ёрдам беради [81, 166 ва бошқалар].

Н.С.Ефимова рефлексивликни мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёрлигининг аҳамиятли хусусияти сифатида кўриб, унинг касбий шаклланиши рефлексив фаолиятга тайёрлиги, яъни касбий сифатлар ривожланиши шарт, кейинчалик эса касбий ривожланишининг узлуксизлиги билан боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтади. Касбий рефлексия бу шахсий онгни ўзига йўналтирувчи омил бўлиб, касбий фаолиятнинг профессионал жихатдан фаолиятининг функционал хусусиятларини муҳим таркибий қисмлари:

- кизиқишлар;
- эҳтиёжлар;
- афзалликлар билан боғлайдиган асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда у назарий тафаккур, маънавий ички тўлиқлик, ҳиссий ва мантикий таркибий қисмларнинг бирлиги, объектив субъектив белгилар, динамизм билан ажралиб туради [80].

Операцион даражада касбий рефлексия, биринчи навбатда, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва уларнинг асосида касбий “Мен”ини коррекциялаш, касбий фаолиятнинг шахсий маъносини ва методологик моҳиятини излашдир. Олимларнинг фикрига кўра, касбий ривожланишдаги рефлексия нафақат ўз-ўзини англаш жараёни, балки шахсий тажриба манбаи, касбий малакани ривожлантириш омилидир [51, 68, 147].

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш, тайёрликнинг умумлаштирилган таркибий қисмларни ажратиб олиш бизга ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга педагоглар тайёрлиги даражасини таърифлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, тушунишни енгиллаштириш ва фойдаланишнинг қулайлигини таъминлаш учун қуйидаги тўртта тайёрлик даражасини белгиладик:

- ўртадан паст даражада - тайёрлик етарли даражадаги эмас;

- ўрта даражада - тайёрлик шаклланган, даражани ривожлантириш учун доимий иш керак;

- ўртадан юқори даража - тайёрлик етарли даражада шаклланган, шу билан бирга уни такомиллаштириш учун эҳтиёж мавжуд;

- юқори даража - тайёрлик етарли даражада шаклланган, шу билан бирга бу даражани саклаб қолиш учун зарурият мавжуд.

Педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлиги ифодаланишнинг ҳар бир таклиф этилган даражасини батафсил кўриб чиқамиз.

Ўртадан паст даражада - тайёргарлик етарли даражада шаклланмаган. аввалидан, бу даражага қуйидагилар хосдир:

- илмий изланиш ва илмий-тадқиқот ишларига қизиқишнинг ўртачадан паст даражаси;

- педагогиканинг ўқитиш услубидаги янгиликлар ва инновацияларни қабул қилиш ҳамда ўзлаштиришнинг ўртачадан паст даражаси;

- таълим жараёнида ўз мавқеини ўзгартириш истагининг етарли даражада эмаслиги;

- педагогик лойиҳалаштириш фаолиятига бўлган қизиқиш, мақсад ва сабабларнинг ноаниқлиги;

- педагогик лойиҳалаштиришнинг моҳияти, унинг технологияси ва уларни амалиётда қўллаш имкониятларини юзаки билиш;

- педагогик лойиҳалаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг заиф мотивацияси, одатда, бу билимларнинг етарли эмаслиги ва уларни рационал қўллай олмаслиги билан асосланади;

- ихтисослаштирилган фанлар бўйича зарур билимларнинг минимал даражада мавжудлиги;

- амалий машгулотларда назарий фактларни қўллаш маҳоратининг паст даражаси;

- компьютер дастурлари ва кидирув тизимларидан фойдаланиш бошқа мутахассислар ёрдамида амалга оширилади;

- лойиҳалаштириш объектларини танлаб олиш, лойиҳалаштиришнинг мақсади, мазмуни ва таркибий қисмларини аниқлаш фақат катъий назорат остида амалга оширилади;

- таклиф қилинган тадқиқотлар эскичасига олиб борилади, замонавий долзарб муаммолар ва мавзулар билан боғлиқлик ўрнатмайди;

- тадқиқот натижаларини прогноз қилишда қийинчиликлар мавжуд;

- педагогик лойиҳалаштириш ва натижаларни тақдим этиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланмасдан амалга оширилади;

- талабаларнинг лойиҳа фаолиятини прогноз қилиш ва баҳолаш қобилияти етарли эмас;

- рефлексив-коррекциялаш қобилияти амалда шаклланмаган;

- баҳолаш, одатда, «ёқади», «ёқмайди», «бажара оламан», «бажара олмайман» мезонлари бўйича амалга оширилади;

- ҳамкорлик, бағрикенглик ва ижодкорликка бўлган эҳтиёж етарлича шаклланмаган.

Кейинги ўрта даража - тайёрлик шаклланган, уни ривожлантириш учун доимий ишлаш керак. Қуйидагиларда тавсифланади:

- илмий изланиш, фанлар ва ўқитиш усулида янгиликларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга бўлган қизиқиш мунтазам бўлмайди;

- ўз таълим лойиҳаларини яратишда ижодкорликка эҳтиёж бор, лекин қийинчиликлар пайдо бўлиши билан йўқолади;

- янги дидактик ва ахборот технологияларини жорий этишга эҳтиёж ҳисси мавжуд;

- педагогик лойиҳалаштириш фаолиятига қизиқишнинг намоён бўлиши, бироқ, мотивация етарлича шаклланмаган, таълимдаги фаоллик ва мустақиллик ўз-ўзидан пайдо бўлади;

- мутахассисликнинг фундаментал фанлари ва уларни ўқитиш методларидан етарли ҳажмдаги билим;

- ўқув материалларининг муҳим қисмини мантикий уланишлар элементлари билан кўпайтириш;

- стандарт офис дастурлари, глобал тармоқ тизимлари, тармоқ кутубхоналарининг асосий функцияларидан фойдаланиш бўйича мавжуд кўникмалар;

- лойиҳалаштириш технологияларининг моҳиятини билишида бўшлиқлар мавжуд ва педагог уларни мустақил тарзда компенсация қилишга интилади;

- педагог ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамиятини тушунади, аммо уларнинг диагностика қобилиятларини вазиятга қараб қўллайди, педагогик лойиҳалаштириш жараёнида назарий билимларни қўллаш етарлича ривожланган;

- педагог алоҳида мавзуларни лойиҳалаштиришни мустақил равишда бажариши мумкин;

- бўлажак лойиҳалаштириш объектининг хусусиятларини тавсифлаш, мавзулар ва ўтказилган тадқиқотлар натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни излашда мавҳум тасаввурлар ва ҳаракатлар кузатилади;

- лойиҳалаштириш натижаларини прогнозлаш мустақил равишда амалга оширилади;

- тадқиқот ўтказишда ахборот-коммуникация технологияларини эмпирик тарзда ишлатишга уринишлар мавжуд;

- лойиҳалаштириш фаолияти натижаларини прогноз қилиш, баҳолаш ва мослаштириш қобилияти ўрта даражада;

- педагог тадқиқот вазифасини кўп вариантли ечимини излашга ва муқобилларини излашга интилади;

- лойиҳа объектлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш, хулосаларни умумлаштириш ва лойиҳа фаолияти натижаларни тақдим этиш янада малакали мутахассислар ёрдамида амалга оширилади;

- тингловчи кейинги тадқиқотлар истиқболини мустақил равишда аниқлаши мумкин;

- рефлексив-коррекциялаш қобилиятлари ўрта даражада ривожланган;

- жамоавий ишларда ва мулоқотда педагог бағрикенг бўлиб, ҳамкорликка интилади.

Кўриб чикиладиган кейинги даража ўртадан юқори даража бўлиб, тайёргарлик етарли даражада шаклланган ва уни такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Бу даража куйидагилар билан тавсифланади:

- илмий изланиш ва илмий-тадқиқот ишларига етарлича ривожланган кизиқиш;

- педагогик лойиҳалаштириш мавзусини излашда фаоллик ва мустакиллик;

- педагогик тадқиқотларда ижодкорлик мавжуд;

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш эҳтиёжи яхши ривожланган;

- педагогик лойиҳалаштиришнинг мақсади ва мазмуни яхши тушунилган;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагогик лойиҳалаштиришга нисбатан ижобий муносабат устуворлик килади;

- педагог махсус фанлар ва ўқитиш услублари бўйича яхши билимларини намоён килади;

- замонавий дидактик ва ахборот технологиялари намуна бўйича қўлланган бўлса-да, глобал тармоқнинг қидириш механизмлари ва компьютер дастурларидан фойдаланиш бўйича яхши билим ва қўникмаларга эга;

- педагогик лойиҳалаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг аҳамиятини тушунади ва қўллашга қизиқиш кўрсатади;

- лойиҳа фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва мазмунини аниқлашга қодир, бироқ лойиҳани амалга оширадиган фаолиятни прогнозлаштириш, баҳолаш ва ўзгартиришда баъзида ёрдамга муҳтождир;

- рефлексив-коррекциялаш қобилияти яхши шаклланган;

- педагогик муаммоларга ижодий ечимларни кидириш эҳтиёжи ривожланган, лекин айрим ҳолларда маълум бўлган ечим намуналари қўлланилади;

- мулоқот ва жамоа таркибида ишлашга нисбатан ўзига хос бағрикенглик, ҳамкорлик кўникмаси яхши ривожланган.

Охирги юқори даража тайёрлик етарли даражада ташкил этилган, шу билан бирга ушбу даражани сақлаб қолиш зарурати мавжуд. Бунга қуйидагилар хосдир:

- илмий изланишга бўлган юқори даражадаги қизиқиш;

- фан, услуб ва технологиялар соҳасидаги янгиликларни фаол идрок этиш ва ўзлаштириш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагогик лойиҳалаштириш фаолиятига бўлган шаклланган қизиқиш, мақсад, эҳтиёжларнинг мавжудлиги;

- фанлараро билимлар тизимини ижодий қўлланилиши;

- педагогик лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқотлар жараёнида назарий билим ва лойиҳалашни фаол ва ижодий қўллаш қобилияти;

- педагогик лойиҳалаштиришдаги ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамиятини чуқур англаш;

- фундаментал фанлар ва ихтисослик, ўқитиш услублари бўйича чуқур билимларга эга бўлиш;

- педагогик лойиҳалаштиришнинг оралик ва якуний мақсадларини мустақил равишда аниқлаш қобилияти;

- педагогик лойиҳалаштириш ва унинг натижаларини таълим жараёнида қўллаш учун ахборот-коммуникация технологияларини ижодий равишда қўллаш қобилиятининг қатъий шаклланганлиги;

- лойиҳалаштириш объектининг мақсадлари, таркиби ва таркибий қисмларини ишлаб чиқиш ҳамда тавсифлаш мустақил ҳолда, ёрдамсиз амалга оширилади;

- муайян мақсадларга эришишнинг асосий усуллари ва шартлари англаб етилади;
- лойиҳа мустакил равишда амалга оширилади, натижалари педагогик амалиётида фойдаланиш учун ярокли;
- ишлаб чиқилган педагогик лойиҳалаштириш натижаларини танқидий таҳлил қилиш, объектив баҳолаш қобилият юқори даражада ривожланган;
- материалларни мустакил равишда умумлаштириш ва тадқиқ этилган объектлар ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш қобилияти юқори даражада;
- педагог кадрларнинг лойиҳа фаолиятини ташкиллаштиришда юқори даражадаги креативлик ва қобилият кузатилади;
- ҳамкорлик ва бағрикенгликка бўлган эҳтиёж жуда ривожланган.

Педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг юқорида айтиб ўтилган даражалари ҳам диагностика учун, ҳам ўз-ўзини диагностика қилиш ва педагогик лойиҳалаш кўникмаларини такомиллаштириш учун ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу даражалар педагогик лойиҳалаштиришдаги турли тоифадаги тингловчиларнинг тайёрлик даражасини (тегишли мослаштиришни ҳисобга олган ҳолда) ўрганишда қўлланилиши мумкин ва лойиҳа фаолияти учун қобилиятларни ривожлантиришда маркер сифатида ишлатилиши мумкин [172].

2.2. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг методологик хусусиятлари

Лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асосларини кўриб чиқиш натижалари асосида, ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогларнинг педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришга доир методологик ёндашувларни ишлаб чиқиладиган модел доирасида аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу ёндашувлар

инсонпарварлик парадигмасига асосланиб, бу ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида педагогнинг яхлит шахслигини шакллантиришни назарда тутди. Бундан ташқари, инсонпарварлик парадигмаси ва гуманистик ёндашув, парадигманинг мантикий бир қисми сифатида, замонавий олий таълимнинг ишлаши ва педагогларнинг ўқитишида тизимли шакллантирувчи омил бўлиб, улар атрофида тайёрлашнинг бошқа ёндашувлари бирлаштирилади:

- назарий-методологик даражада - тизимли, аксиологик ва синергетик ёндашувлар [161, 194, 196];

- методик даражада - шахсга йўналтирилган, шахс-фаолият, компетентлик, акмеологик, ресурсли, рефлексив, инновацион-тадқиқот ёндашувлар бўйича [54, 207, 187].

Педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантиришга тизимли, аксиологик ва синергетик ёндашувлар назарий-методологик даражада педагогик жараённинг босқичлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашни, тайёрликнинг таркибий қисмларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди [65].

Шахсга йўналтирилган, шахс-фаолият, компетентлик, акмеологик, ресурсли, рефлексив, инновацион-тадқиқот ёндашувлар педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнини методологик ва технологик қўллаб-қувватлашни ривожлантиришга ёрдам беради, педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни ахборот-коммуникация технологиялари шароитида баҳолаш мезонларини яратиш имконини беради, умуман олганда алоқа технологиялари ва унинг таркибий қисмларининг ҳар бири, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ушбу жараённинг динамикасини лонгитюд (узоқ муддатли) педагогик ўрганишга имкон беради [120].

Юқорида келтирилган ёндашувларнинг ҳар бирини батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тизимли ёндашув бизга ҳар қандай ҳодисани бир бутун сифатида кўриб чиқишга, унинг таркибий қисмларига бўлиниб, ҳар бир

қисмнинг қийматини мустақил объект сифатида тушунишга ва бутун таркибдан ажралмасдан алоҳида бўлимларнинг моҳиятини тушунишга имкон беради. Ушбу ёндашув, илмий-педагогик тадқиқотларда, одатда, педагогик объектларнинг яхлитлигини, улардаги турли алоқаларни аниқлашга ва уларни битта назарий кўринишга айлантиришга қаратилган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан тизим ёндашув лойиҳа фаолияти мақсадларига энг мос келадиган ёндашувдир. Хусусан, Г.А.Лебедева лойиҳа технологиясининг асосий моҳиятини ажратиб, бу таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштиришнинг структуравий ва ташкилий талабларига мослаштирадиган дидактик восита ва мазмун, метод ва усуллар бир бутун тизимининг ишида намоён бўлади. Ўз навбатида, педагогик лойиҳалаштириш муаммоли вазиятларни тизимли ва кетма-кет моделлаштиришни, таълим жараёни иштирокчиларидан ҳал қилишнинг оптимал йўлларини излаш ва ривожлантиришни, изланаётган ахборотни ишлаб чиқиш ва тақдим этишга ижодий ёндашувни, кейинчалик тайёрланган лойиҳани ҳимоя қилиш ҳамда натижаларни таҳлил қилишни талаб этади [118].

Тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилган моделга мувофиқ тайёрликнинг қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентлари аниқланди:

- методологик йўналтирилган;
- синтезга йўналтирилган;
- амалиётга асосланган;
- интегратив йўналтирилган;
- акмеологик йўналтирилган.

Ушбу компонентлар ягона тизимнинг ҳалқалари сифатида бир-бири билан боғлиқ, ўзаро шартлашган бўлиб, педагогларнинг таълим ва билиш фаолиятини ташкил қилишда тизимлилик, изчиллик ва мувофиқликни таъминлайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, тизимли ёндашув педагогларни педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлашни ташкилий ва услубий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлари, мазмуни, услубларини бир-бирига боғлаш ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган ёндашувни инобатга олган ҳолда тингловчиларни педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш бу асосий мақсадга эришишга қаратилган ўзаро боғлиқлик, фаолиятнинг бир бутунлиги ва ички тартиби билан ажралиб турадиган органик яхлитликдир. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида тингловчининг педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлигини асосий таркибий тузилмаси педагог шахси бўлмиш бир тизим сифатида кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги, аксиологик ёндашув педагог фаолиятининг қадриятлари йўналиши, кўрсатмалари ва мотивлари шаклланишини назарда тутди. Ривожланган аксиологик йўналиш тингловчининг педагогик лойиҳалаштириш мотивлари, унинг мақсадини онгли белгилаш, шакллар, усуллар ва тегишли воситаларни танлаш, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол ва самарали фойдаланишни англашини назарда тутди. Аксиологик (қадриятли-мотивацион) компонент педагог томонидан шахсий Мен-концепцияси даражасида амалга ошириладиган муайян қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради. У педагог фаолиятининг ўзини ўзи бошқаришини тартибга солади, унинг касбий қизиқишлари ва шахсий кўрсатмаларини белгилайди, шунингдек, ўз педагогик лойиҳалаштиришини самарали бошқариш учун жуда муҳим бўлган касбий шахсий хусусиятларини шакллантиришга таъсир қилади [183].

Синергетик ёндашув. Бу йўналишда, П.И.Балабановнинг фикри қизиқарли бўлиб, унингча синергетиканинг пайдо бўлиши, эҳтимол илмий инкилобнинг бошланишини белгилайди, нафақат янги тушунчалар тизимини киритибгина қолмай, балки илмий билиш стратегиясини ўзгартиради, дунёдаги тубдан янги илмий кўринишни шакллантиришга ёрдам беради ва табиатшуносликнинг кўплаб тамойиллари янгича бирлашувига сабаб бўлади [35].

М.Н.Гуслова, инновацион педагогик технологияларни ҳисобга олган ҳолда синергетика бирининг ўз психик ҳолатини бошқаларга ўтказиш имкониятини белгилаб, уларнинг ўзаро тушуниш ва самарали ҳамкорлик

килишига ёрдам беради деган хулосага келади. Лойиҳа фаолиятига тайёрлаш жараёнида синергетик ёндашув жуда муҳимдир. Таълим жараёни, таълим олувчининг ахборот воситалари ва педагог - бу билимларни бир бошдан иккинчисига ўтказмаси, тайёр ҳақиқатларнинг хабарномаси ва тақдими эмас. Бу муаммоли вазиятларни ҳал қилиш жараёнида очик мулоқот, тўғридан-тўғри ва тескари алоқалар ҳамда ўрганишнинг ночизиқли вазиятидир. Бу, биринчи навбатда, ўзининг куч ва қобилиятли хусусиятларини уйғониш вазияти, ўз-ўзини кашф қилиш, ўз ва бошқа одамлар билан ҳамкорликни бошлашдир [62].

Синергетика методологияси педагогик лойиҳалаштиришнинг хусусиятларини белгилайди, бу илмий тадқиқотлар жараёнида предметлик, педагогик лойиҳа муаллифи ва педагог тегишли ахборотни излаш, тажриба ўрганиш, умумлаштирувчи ва таҳлил қилиш йўли билан қарорлар алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат. Синергетика нуқтаи назаридан муаллифлик лойиҳалаштириши кўпроқ ижодий эркинликни англатади [185].

Н.А.Алексеевнинг фикрича, шахсий ўзини-ўзи англаш, профессионал ўзини-ўзи ривожлантириш ва муаллифлик педагогик тизимини боғлаш орқали муаллифлик лойиҳалаш педагогнинг педагогик маҳоратининг янги босқичга олиб чиқади [192].

Педагогик лойиҳалаштириш фаолиятнинг моҳиятини ҳисобга олиб, Н.В.Колпакова, педагогларга таълим беришда синергетик ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Шундай қилиб, муаллифнинг фикрига кўра, ушбу ёндашув таълимнинг турли манбалардан ва турли инъикослар орқали таълим маълумотларини ишлатиш орқали ўрганишга бўлган таъсир кучига асосланган. Буларнинг барчаси махсус билимларнинг ўзига хос хусусиятларини, тегишли ўқув воситаларини ва иш услубларини ҳисобга олишни талаб қилади. Тадқиқотчи таъкидлашича, янги маълумотнинг мураккаблиги, хилма-хиллиги, очиқлиги ва методик билимларнинг бутун жамламаси педагогнинг муаллифлик методик тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун шарт ҳисобланади [109].

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёр бўлиш моделини тайёрлашда биз синергетика механизмини, хусусан, мультипликация таъсирининг пайдо бўлишини қўллаш имкониятини назарда тутдик. Ушбу таъсир қуйидаги муҳим жараёнларнинг комбинацияси ҳисобланади:

- диффузия ҳодисаси - инновацион ғояларнинг илмнинг бир соҳасидан бошқасига кириши;

- резонанс ҳодисаси - бир объектдаги янги билим, янгилик ёки ўзгаришлар бошқа объектларда тез ва ҳажмли ўзгаришни рағбатлантиради, натижани яратади ва уни кўпайтиради;

- акселерация (тезлашув) ҳодисаси - ижодий муҳит таъминланган тақдирда, шахс фаолиятини жадаллаштириш ва фаолият самарадорлигининг тезлашуви [112].

Навбатдаги ёндашув шахсга йўналтирилган ёндашув ҳисобланади. Тайёргарлик жараёнида ушбу ёндашув педагогнинг билиш ва таълим фаолиятининг субъекти сифатидаги индивидуал хусусиятларини ўрганиш асосида унинг шахсини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришни таъминлашда намоён бўлади. Шахсга йўналтирилган тайёргарлик ҳар бир тингловчига ўз ривожланиш траекторияларини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этишга асосланган бўлиб, уларнинг ўз кучини максимал ривожлантиришга қаратилган. Шу мақсадда психоло-педагогик фанлар таълим маконида тадқиқотчилик тафаккурини моделлаштирувчи, диалог ва имитациявий-ролли ўйинлар асосида гуруҳ машғулотларини ташкил этиш, ўқув материалларини тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш усулларини бирлаштирувчи индивидуал дастурлардан фойдаланишни таклиф қилади [208].

Тайёрлаш жараёнида шахс-фаолият ёндашуви фақатгина шахс касбий фаолиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи турли тадбирларга жалб қилинган ва тингловчининг ушбу фаолиятда фаоллигини рағбатлантириш йўли билан педагогик тажрибага эга бўлган тақдирда, самарадорли

ҳисобланувчи позицияни белгилайди. Педагогик лойиҳалаштириш жараёни олинган билимларни амалдаги касбий фаолиятда қўллашни, яъни таълим жараёнини чуқур шахсий маъно билан тўлдирадиган проектив кўникмалар ёрдамида билимдан ҳаракатга ўтишни таъминлайди. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида таълим фаолияти ягона мақсад эмас. Бу педагогик иш учун муҳим бўлган тингловчининг ижтимоий ва касбий сифатларини таъминлайдиган шахсий фаолият шаклидир [156].

Моделни тайёрлашда компетентлик ёндашуви, касб эгаллашнинг энг муҳим белгиси ва муайян турдаги фаолиятга, бу ҳолатда ахборот-коммуникация технологиялари жихатидан педагогик лойиҳалаш тайёрлик эканлиги билан изоҳланади. Ушбу йўналишда компетентли ёндашув остида касбий-педагогик фаолиятнинг зарур даражаси ва самарадорлигини таъминлайдиган махсус, умумий ва асосий компетенцияларни аниқлашга асосланган таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш, мазмунини танлаш, ташкилий-технологик қўллаб-қувватлашни ягона тизимини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, компетентлилик ёндашув нафақат педагогик таълим мазмунини янгилаш, замонавий талаблар билан мувофиқлаштириш механизми сифатида, балки фаолият ва илмийликни мустаҳкамлаш механизми сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак [56, 84].

Педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлик моделини такомиллаштириш жараёнида биз, шунингдек, касбий малакани ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва шахсий фаолиятини такомиллаштириш йўли билан ўзини ўзи такомиллаштириш қобилиятини ҳисобга оладиган педагогик акмеология гояларига таянмоқдамиз. Педагоглар томонидан педагогик лойиҳалаштириш муаммолари комплексининг англаниши, ўз-ўзини кузатиш усуллари, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, акс эттириш услубларидан фаол фойдаланиши, уларнинг акмеологик устуворликларини аниқлаш, профессионал ва педагогик гояларини белгилаш ва шу билан лойиҳалаш-педагогик фаолиятга тайёрлаш, касбий ривожланиш, маҳоратни такомиллаштиришига ёрдам бериши лозим [43].

Ресурс ёндашуви ҳар бир педагогнинг ички ва ташқи ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тўлиқ ривожланиш учун шарт-шароитларни таъминлашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, замонавий педагогик амалиётда шахсга йўналтирилган ва ресурс ёндашувлари мутахассисликнинг бўйича такомиллашувнинг мақбул даражасини, индивидуал ижодкорликни ривожлантиришни таъминлаши керак. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни педагогик лойиҳалаштиришда ресурс ёндашувини амалга ошириш усулларида бири сифатида қаралиши керак [98].

Рефлексив ёндашув шахсни ўз-ўзини ривожлантиришда конструктив омил бўлиб хизмат қилади, ўзини ўзи ташхислаш ва ўзини ўзи аниқлашнинг самарали элементиға қиради. Бундан ташқари, ушбу ёндашув ёрдамида педагог:

- ходисаларни янада яхшироқ тушунади ва англайди;
- билиш ва ҳатти-ҳаракатларнинг оптимал стратегияларини танлаш имкониятини сезиларли даражада оширади;
- фаолиятға ўз вақтида ўзгартиришлар киритади;
- танқидий фикрлашни шакллантиради ва ривожлантиради [124, 146].

Инновацион-тадқиқот ёндашуви таълим олувчиларни энг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан касбий фаолиятида фойдаланиш, педагогик фаолиятининг таркибий қисми сифатида илмий изланишни ташкил этишға қаратилган. Ушбу ёндашув ёрдамида педагог турли инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, педагогик жараёнларни прогнозлаш, моделлаштириш, конструкциялашнинг босқичларида қўллаш даражасини аниқлаш, инновациявий лойиҳаларни тадбик этишни амалга ошириши мумкин. Инновацион-фаолият ёндашувини жорий этишнинг муҳим воситаси - бу замонавий педагогнинг инновацион тадқиқот фаолияти муваффақиятининг дастлабки шарти бўлган янги ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланади [27].

Малака оширишдаги тингловчиларни ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришға тайёрлаш

жараёнида юқорида айтиб ўтилган ёндашувларнинг татбиқ этилишини тамойиллар тизими ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим тизимида тамойил - бу амалиётни ташкил этишнинг асосий талаблари, фаолияти стандартлари шаклида намоён бўлган таълим жараёнининг мазмуни, моҳияти, таркибий тузилиши, унинг қонун ва қонуниятлари тўғрисидаги билим бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайди [78]. К.Хойтен таъкидлашича, тамойиллар назарий умумлашмалардан энг муҳимларини акс эттиради ва амалий характердаги энг жамланган ҳулоса ҳисобланади. Бундан ташқари, тамойиллар таълим жараёнининг меъёрий асосларини акс эттиради, улар маслаҳат бермайди, педагогларга қандай қилиб ҳаракат қилишни таклиф қилмайди, аммо шартсиз ва тўлиқ бажарилишини талаб қилади. Муаллиф педагогик назария ва амалиётда умуман тан олинган қуйидаги тамойилларни белгилайди:

- онглилик;
- фаоллик;
- кўргазмалилик;
- тизимлилик;
- изчиллик;
- илмий;
- тушунарлилик;
- назариянинг амалиёт билан боғланганлиги [164].

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу тамойиллар аниқ, етарлича асосли ва педагогик адабиётда қамраб олинган [72, 211]. Шу муносабат билан, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш учун тайёрлашни ташкиллаштиришнинг педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ тамойилларни тушунтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- бинарлик тамойили;
- синергетизм тамойили;

- тизимлилик тамойили;
- изчиллик тамойили;
- интеграция тамойили;
- муқобиллик тамойили;
- индивидуал-дефференциал ёндашув тамойили.

Ушбу тамойилларни батафсилроқ кўриб чиқамиз. Шундай қилиб, Н.Н. Сутаева фикрига кўра, бинарлик тамойили ўзлаштириш ва тушунишдан сўнг, тингловчилар томонидан мустақил педагогик лойиҳалаштириш фаолиятда ижодий тарзда қўллашлари мумкин бўлган технологиялардан фойдаланиш, педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнида таълимни ташкил этишни талаб қилади [214]. А.В. Пашкевич фикрича, таълим жараёнида амалиёт нуқтаи назаридан истиқболли технологияларнинг қўлланилиши нафакат натижаларни, балки педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг мотивацион, когнитив ва операцион-технологик компонентларни рағбатлантириш, педагогик қимматини ошириш, тингловчиларнинг ижобий кадриятлар йўналишлари ва шахсий-касбий сифатларини шакллантириш имконини беради [143].

Тингловчиларни лойиҳа фаолияти учун тайёрлаш жараёнида синергетик тамойил Б.И.Канаев фикрича, ахборотдан фойдаланиш орқали таълимга таъсир кучайиб боришига асосланиб, натижада турли манбалар орқали ўзгаради ва турли каналлар орқали қабул қилинади. Шу билан бирга мақбул педагогик натижаларга эришишни таъминлаш учун фаннинг ўзига хос хусусиятларини, тегишли методологик воситаларни, ахборот ва таълим технологияларини танлашини ҳисобга олиш керак [99]. Е.О.Иванова таъкидлашича, синергия турли таъсирлар воситасида таълимнинг натижавийлиги таъсири сифатида таълим жараёнида образли ва визуал, мавҳум ва конкрет, репродуктив ва муаммоли фойдаланишнинг ўзаро алмашуви орқали амалга оширилиши мумкин. Синергентизм тамойили нуқтаи назаридан тингловчилар ўқитишнинг турли усуллари ва технологияларини ўзлаштирадилар, лойиҳалаштиришда уларнинг мақбул танлов тажрибасига

эришадилар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш турли таъсирлар орқали таълим самарадорлигини оширишга ёрдам бери [88].

Тизимлилик тамойилини, одатда, изчиллик тамойили билан боғлиқ ҳолда кўришиб, уни таълим тизимининг узлуксизлигини, бир-бирига боғлиқ бўғинлар ўзаро алоқасини ва ўзаро келишилганлигини таъминловчи универсал педагогик категория сифатида кўришади. Педагогик лойиҳалаштириш ва лойиҳавий кўникмаларнинг моҳияти ҳақида умумий билимлар тизимини ишлаб чиқишни таъминлаш учун янги билим ва кўникмалар илгари ўрганилган билимларга таянади ва билимларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қилиши учун таълим мазмунини аниқ белгилашни, ўқув жараёнининг аниқ кетма-кетлигини таъминлашни талаб этади [81].

Интеграция тамойили А.А.Леонтьевнинг инсон ўз онгининг парчаланишини (дезинтеграциялашувини) бартараф этишга интилиши тўғрисидаги фикрига асосланади. Муаллифнинг фикрига кўра, айнан интеграция тамойили индивидуалликни ривожлантиришга доир ёндашувларни бу комплексларнинг бирлиги нуктаи назаридан белгиловчи тамойилидир. Интеграция тамойили одамнинг психикасида ўз фаолияти, хусусиятлари ва ҳуқ-атворини, ижтимоий тажрибани ташкил этувчи ҳуқ-атворининг синтезловчи тугма қобилияти билан белгиланадиган жараёнини, табиий боғланишни амалга оширишга қаратилган [28, 119].

Муқобиллик тамойили педагог учун лойиҳа фаолияти мазмунини, ушбу фаолият турлари ва усуллари ҳамда уни амалга ошириш учун вақтни танлашини таъминлаш учун талаб сифатида қаралади. Бу тамойил инсоннинг мотивлари ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги табиий боғлиқликдан келиб чиқади. Чунки фаолият ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган экан, у интеллектуал, ҳиссий, предметли-амалий, иродавий ва тартибга солиш соҳасини фаоллаштиради ҳамда янада самарали ва катта истак билан амалга оширишга ундайди [144].

Лойиха фаолияти билан шугулланишга тайёрланадиган кишиларга индивидуал-дефференциал ёндашув тамойили уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олишга асосланган. Лойиха фаолиятида бу тамойил икки асосий жихатда акс эттирилган:

- индивидуал-психологик хусусиятларнинг диагностикаси;
- тайёрлик даражаси тўғрисидаги диагностика маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таълимдаги лойиҳалаш мазмунини, шакллари ва усулларини танлаш [196].

Агар Р.Н.Шарафутдиновнинг тавсияларига кўра тамойиллар амалиётга заңжир тарзида кетма-кет эмас, балки фронтал йўналишда бир вақтнинг ўзида ажралмас ҳолда татбиқ этилса, педагогларни ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлашни ташкиллаштиришда кумулятив самарага эришиш мумкин бўлади [218]. Бундай самара Л.Ф.Салихованинг тадқиқоти натижаларига кўра тайёрлов жараёнида олинган фалсафий, психологик, педагогик, касбий ва методик билимларнинг асосида ҳосил бўлган функционал бирикма алоҳида таркибий тузилмаларнинг қандайдир бир суммаси бўлиб қолмасдан, сифат жихатдан янги бўлган, интеграл таълимни - инсоннинг касбий фаолияти ва ўзини ривожлантиришга тайёрлигини шакллантиради [149].

2.3. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделининг асосий таркибий жихатлари

Тайёрланган моделдаги таркибий қисмларини ёритиб беришдан аввал, модель, моделлаштириш тушунчасини қисқача ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларнинг таҳлили замонавий илм-фан соҳасида модель тушунчаси жуда кенг қўлланилганлигини кўрсатади [44, 59, 137, 205]. И.Б.Новик, Н.М.Мамедовлар фикрига кўра, модель предметли, белгили ёки фаразли тизим бўлиб, тадқиқот объектининг (аслининг) ички тузилиш ёки фаолият юритиш

тамойилларини, ўзига хос хусусиятларини, белги ва тавсифларини акс эттиради ёки имитация қилади [137].

М.Л. Федюнин таъкидлашича, модел бу ўзига хос объект бўлиб, белгили воситалар асосида баён этилган образнинг мантикий шаклда маълумотни олиш ва сақлаш мақсадида яратилади. Бундан ташқари, муаллифнинг фикрига кўра, модель асл объектнинг асосий, белгиланган хусусиятлари, тавсифи ва алоқаларини акс эттирувчи моддий предмет ҳам бўлиши мумкин [162].

И.М. Горбаченконинг фикрича, модель, биринчи навбатда, маълум бир муаммони, вазиятни, уни таҳлил қилиш жараёнида математиканинг формал-мантикий аппаратини қўллаш имконини берувчи махсус тавсифи ҳисобланади. Ўз навбатида, моделлаштириш тушунчаси остида тадқиқотчи бошқа ёрдамчи объектларни таҳлил қилиш орқали билиш объектларини бирор нарса воситасида махсус ўрганишни назарда тутди. Муаллиф ёрдамчи объектларга турли хил моделларни кўрсатиб ўтади [198].

М.Л. Боргоякова таъкидлашича, моделлаштириш усули объект моделларини, яъни тизимлар, конструкциялар, жараёнларни яратиш, таҳлил қилиш ва ўрганишнинг мураккаб жараёнидир. Шу билан бирга моделлаштириш ўз структурасига эга бўлиб, уларни муаллиф қуйидаги тўрт босқичга бўлади:

- вазифани белгилаш;
- аслини ўрганиш мақсадида моделларни танлаш ва яратиш;
- моделни ўрганиш;
- моделни ўрганиш натижасида олинган маълумотни аслига кўчириш [44].

В.Б.Кудрявцев, П.А.Алисейчик, К.Вашик, Д.Кнап, А.С.Строгалов, С.Г.Чеховцовлар моделларни уларнинг қайта тикланиш услуги яъни, моделни қуриш воситалари ва моделлаштирилган объектнинг тавсифи, муҳитдаги объектларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб таснифлаб, уларни иккита катта гуруҳга бирлаштиришади:

- моддий (физик);

- идеал (белгили).

Белгили моделлаштиришда математик моделлаштириш алоҳида ажралиб туради. Физик моделлаштириш остида модел ва оригинал бир хил жисмоний хусусиятга эга бўлиб, улар фақатгина ўзининг параметрларидаги миқдорий кўрсаткичларда фарқланиши тушунилади [112].

Ахборот-коммуникация технологиялари нуқтаи назаридан, визуал моделлаштиришни аниқлаштириш муҳим бўлиб, у кўзга кўринмас абстракциялар ёрдамида муаммоларни идрок этиш, моддий ва идеал объектларни қайта тиклашнинг бир усули ҳисобланади. Бундан ташқари, автоматлаштирилган лойиҳалаш графикали абстракциялашга асосланган бўлиб, ахборот тизимлари визуал моделлаштириш воситасида лойиҳалаштирилади ва таҳлил қилинади [123, 140, 181].

В.В.Арнаутов ўз ишларида моделлардан фойдаланишнинг икки йўналишини белгилайди. Биринчи йўналишда ушбу модель бошқа тизим ҳақида маълумот олиш учун восита сифатида хизмат қиладиган тизим (объект, ходиса, жараён, концепция) сифатида кўриб чиқилади. Моделлаштириш муаллиф томонидан ҳар қандай нарсаларни, жараёнларни ва ходисаларни билвосита ўрганишнинг умумий усули сифатида кўриб чиқилади. Иккинчи йўналиш изоморфизмни яратиш орқали моделларни қўллайди. Бунга қўшимча равишда, муаллиф, таълим соҳасида моделлаштиришни қўллаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди [27].

Шундай қилиб, моделлаштириш замонавий тадқиқотларнинг асосий ва самарали усулларида биридир. Моделлаштириш усулини қўллашнинг мақсади - ҳар қандай соҳадаги объектларни, жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ этишдир. Модель, ҳақиқий объектнинг аналоги, унинг соддалаштирилган варианты бўлиб, унга реал объектнинг асосий хусусиятларига хос бўлади.

Ушбу диссертация тадқиқоти жараёнида моделлаштириш усулини қўллаш ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогларни педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнининг мақсад ва мазмунини


аниклашга, ушбу жараённинг прогнозланган натижасини аниклашга, шу асосда тегишли моделни ишлаб чиқишга имкон берди (2.1-расм).

Тайёрланган модель, асосан, илгари танланган методологик ёндашувларга асосланиб, асосий мақсад, тегишли вазифалар, мазмун ва қутилган натижаларни ўз ичига олган бир-бирига боғлиқ бўлган таркибий қисмлар, компонентлар тизимидир. Моделни тайёрлашда педагоглар малакасини ошириш жараёнида ишчи ўқув дастурларининг хусусиятлари ва тайёрлаш жараёнига тегишли ўзгаришларни киритиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш учун моделнинг таркибий жиҳатларини батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, моделнинг концептуал таркиби педагогларни профессионал даражасини оширишга қаратилган ижтимоий жиҳатдан аниқ белгиланган эҳтиёж, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёр бўлишни шакллантириш ва ривожлантиришда белгиланади. Бунда педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш ва ривожлантириш жараёнида таълим фаолиятини ташкил этишнинг назарий ёндашувлари ва тамойилларини илмий асослашдан иборат. Моделнинг асосий мақсади - педагогларни ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришига зарур даражадаги тайёрлигини шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Моделдаги асосий мазмуний таркиб ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик қобилиятларига мувофиқ ўз педагогик фаолиятини лойиҳалаш ва лойиҳа фаолиятини бошқариш бўйича янги билим элементлари билан бойитиш йўли билан педагогларни малакасини ошириш жараёнида тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни назарда тутди [173].



2.1-расм. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш модели.

Малака ошириш жараёнини такомиллаштириш мақсадида тегишли фанларни ўқитиш жараёнида бинарлик тамойилини жорий этиш бўйича тавсиялар таклиф этилади.

Моделнинг мазмуний таркиби махсус тайёрланган “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан ҳам белгиланади. Унинг мазмуний таркибини амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- тингловчилар эътиборини касбий ўсишда ахборот-коммуникация технологияларининг муҳим аҳамиятига қаратиш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда тингловчиларнинг лойиҳавий педагогика соҳасидаги педагогик лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари мотивациясини ривожлантириш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш жараёнида аниқ касбий вазифаларни белгилаш ва ҳал қилиш [174].

Методик таркиб педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг таркибий компонентлари назарда тутилади. Буларнинг барчаси таълим олувчиларга таъсир кўрсатадиган методика, воситалар ва педагогик технологияларни тавсиғлаб, улар касбий йўналтирилган ахборот-таълим муҳитини яратган ҳолда тингловчиларга таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида тингловчилар томонидан олинган фалсафий, педагогик, касбий ва методик билимларнинг функционал комбинацияси, дидактик усуллар, воситалар, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан мақбул фойдаланиш синергетик кумулятив таъсирни яратади. Ушбу таъсирнинг моҳияти шундаки, натижалар алоҳида таркибий қисмларнинг оддий суммасига тенг бўлмасдан, балки сифат жиҳатидан янги, интеграциялашган таълимни - шахснинг педагогик фаолиятни ва ўзини ривожлантиришни самарали амалга ошириш учун тайёрлигини шакллантиради.

Ушбу моделни амалга оширишнинг якуний боскичи тингловчининг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлигини ва танланган таркибий қисмларни ҳисобга олган ҳолда уни такомиллаштириш истикболларини аниқлашни таъминлайдиган самарали баҳолаш компоненти (натижаси) ҳисобланади. Ушбу баҳолаш ишнинг кейинги қисмида келтирилган махсус ишлаб чиқилган диагностика воситаларини қўллашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, моделни тўғри жорий этилиши қуйидаги ташкилий-педагогик шароитларни белгилаб беради:

- тингловчи компетентлигининг юқори даражаси;
- тингловчини тайёрлашга ҳозирлиги;
- ахборот таъминоти;
- моддий-техник таъминот;
- дастурий - методик таъминот;
- ходимлар билан ишлашни такомиллаштириш.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини моделлаштиришнинг мантикий асосига ва шунга мувофиқ тизимлилик ва изчиллик тамойилларига кўра тингловчини тайёрлаш қуйидаги ўзаро боглиқ компонентларга асосланган бўлиши керак:

- методологик йўналтирилган;
- синтезга йўналтирилган;
- амалиётга асосланган;
- интеграцияга йўналтирилган;
- акмеологик йўналтирилган.

Ушбу таркибий компонентлар умумий мақсадга эга бўлиш билан бирга айни пайтда ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

Хусусан, методологик йўналтирилган компонент педагогик лойиҳалаштириш фаолиятини назарий ва услубий асослари бўйича махсус ташкил этилган билимларни ўзлаштириш, ривожлантиришга йўналтирилган.

Бу одатда педагогик лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва унинг ёндашувлари ҳақида инновацион таълим технологияси сифатида педагоглар билимларини чуқурлаштирадиган тайёрлаш жараёнида амалга оширилади. Бундан ташқари, касбий йўналтирилган фанларни ўрганишда оптимал ҳажмда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва ўқув лойиҳалаштириш фаолиятини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Назарий-услубий босқичда дидактик вазифалар билан бир қаторда, тингловчиларнинг педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлигини диагностика қилиш, лойиҳа-педагогик фаолиятга доир мотивациясини ошириш, педагогик лойиҳалаштириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлигини асослаш ва амалиётда ахборот-коммуникация технологияларининг педагогик имкониятларини ўрганиш масаласини ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу босқичдан бошлаб, барча тайёрлаш даврида ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда таълим маълумотларини қидириш ва қайта ишлашга доимий равишда жалб қилиш тавсия этилади. Турли хил тадқиқотларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда таълим лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Синтезга йўналтирилган компонент - педагогик лойиҳалаштиришни ташкиллаштириш учун ахборот-коммуникация технологияларининг моҳиятини билиш билан бир қаторда психологик-педагогик ва махсус билимлар, ўқитиш услубларини синтез қилишни таъминлаш, ахборот-қидирув тизимларидан, маълумотлар базалари, экспертлар тизимларидан, ташкилот учун тадқиқот ва ахборотни қайта ишлашда автоматлаштириш тизимларидан фаол фойдаланиш қўникмаларини ривожлантириш мақсадини назарда тутди.

Амалиётга йўналтирилган компонент, назарияни амалиётга айлантириш босқичи сифатида, олинган билим ва қўникмаларни педагогик лойиҳалаштиришда ва педагогик амалиёт жараёнида лойиҳа фаолиятини бошқариш учун қўллашни назарда тутди. Тингловчиларга услубий ёрдамни амалга ошириш бўйича махсус мўлжалланган вазифаларни таклиф қилиш

тавсия этилади. Тингловчилар педагогик лойиҳани тайёрлаш учун педагогик лойиҳалаштириш, илмий тадқиқотлар ва унинг натижаларини қайта ишлаш соҳасида илгари тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш ва тушунишларига эътибор қаратишлари керак. Ушбу компонент доирасида рефлексив-коррекция қобилиятларини шакллантиришга ва уларнинг лойиҳа фаолияти ҳамда таълим оловчиларнинг лойиҳа фаолиятини таҳлил қилиш, билим сифатини мониторинг қилиш учун улардан фойдаланишга катта эътибор берилиши керак.

Интеграцияга йўналтирилган компонент касбий ва маърифий фаолиятнинг назарий-услубий, амалий ва методик жиҳатлари бўйича билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштиришни таъминлайди. Ушбу жараёнда етакчи алоқалар қуйидагилар бўлиши керак:

- лойиҳа фаолияти;
- лойиҳа фаолиятини такомиллаштириш ва ижодий англаш учун ижобий мотивация ва эҳтиёжларни шакллантириш;
- тайёрлаш даврида олинган билим ва тажрибани инобатга олиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Акмеологик йўналтирилган компонент ўз-ўзини такомиллаштириш орқали юқори даражага эришиш учун касбий фаолиятни такомиллаштириш гоёсини амалга оширишга тайёрланишни назарда тутди. Ушбу босқичнинг мақсадлари қуйидагиларда белгиланади:

- тажриба ишининг натижаларини ишлаб чиқиш ва уни педагогик лойиҳа шаклида яқунлаш;
- ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўз педагогик маҳсулотларини яратиш учун педагогик лойиҳалаштиришни рағбатлантириш ва ушбу маҳсулотларни оммавий педагогик амалиётда қўллаш;
- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тингловчиларнинг лойиҳа фаолиятини ташкил қилиш учун лойиҳа усулини ижодий ишлатишни рағбатлантириш.

Бизнинг таъкидлашимизча, педагогик таъхис, педагогик мониторинг ва педагогик рефлексия педагогларни ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида мунтазам равишда ўтказиладиган тизимли, даврий жараён сифатида эътиборга олиниши керак [175].

Боб бўйича хулосалар

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг моделлаштириш жараёнини кўриб чиқиш куйидаги хулосалар чиқариш имконини беради:

1. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш мутахассисларни касбий-педагогик тайёрлашнинг кўрсаткичларидан бири уларнинг педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлигини кўрсатади. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг тайёрлик концепцияси моҳияти бўйича турли хил қарашларини таққослаш натижаларига кўра, ушбу муддатни махсус мутахассисларни ўқитиш жараёни натижасида профессионал функцияларни бажариш учун сифат комплексининг умумлаштирилган хусусиятларига мос равишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яхлитликнинг илмийлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, педагогик лойиҳалашга тайёрлик ва профессионал педагогик фаолиятга тайёргарлик бир-бирига боглиқ ва ўзаро алоқадордир.

2. Назарий таҳлиллар ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирганлик даражаси ва касбий-педагогик фаолият самарадорлиги ўртасидаги алоқадорлик аниқ эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, элементлардан бирининг ривожланиши бошқаларнинг ривожланишига ва бутун тизимга таъсир қилади ҳамда бу ўз навбатида педагогнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқиб, педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг динамиклик, тизимлилиқ ва

кўпфункционаллик хусусиятига эга бўлган, мутахассиснинг педагогик жараёнлар, тизимларни лойиҳалашда ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш, тингловчиларнинг лойиҳалаш фаолиятини бошқариш қобилиятини намоён қилувчи шахс тузилишидаги янги шаклланма ва интегратив тавсиф сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, замонавий педагогик лойиҳалаш фаолияти соҳасидаги тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг қуйидаги шартли компонентларини ажратиб кўрсатиш имкониятини бери:

- мотивацион компонент;
- когнитив компонент;
- ахборот-коммуникатив компонент;
- индивидуал-психологик компонент.

3. Тайёрликнинг умумлаштирилган таркибий қисмларни кўриб чиқиш бизга ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг тўртта даражасини ажратишга имкон бериб (ўртадан паст - тайёргарлик етарли даражада эмас, ўрта даража - тайёрлик шаклланган, уни ривожлантириш учун доимий ишлаш керак, ўртадан юқори даража, тайёргарлик етарли даражадаги шаклланган ва уни такомиллаштиришга эҳтиёж бор, юқори даража - тайёрлик етарли даражада ташкил этилган, шу билан бирга ушбу даражани сақлаб қолиш зарурати мавжуд), улардан диагностика, ўз ўзини диагностикалаш, педагогик лойиҳалаш кўникмаларини такомиллаштириш, турли тоифадаги тингловчиларнинг педагогик лойиҳалашга тайёрлиги даражасини ўрганиш, лойиҳалаш фаолиятига қобилиятларини ривожлантириш учун маркер сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Лойиҳалаштиришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш натижалари педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва

ривожлантиришга оид қуйидаги долзарб методологик ёндашувларни аниқлаш имконини беради:

- гуманитар ёндашув;
- тизимли ёндашув;
- аксиологик ёндашув;
- синергетик ёндашув;
- шахсга йўналган ёндашув;
- шахс-фаолият ёндашуви;
- компетентлик ёндашуви;
- акмеологик ёндашув;
- ресурсли ёндашуви;
- рефлексив ёндашув;
- инновацион-тадқиқот ёндашуви.

5. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришга тайёрлик жараёнини ташкиллаштиришнинг педагогик хусусиятларини ҳисобга олувчи амалдаги тамойиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- бинарлик тамойили;
- синергетик тамойили;
- тизимлилик тамойили;
- давомийлик тамойили;
- интеграция тамойили;
- муқобиллик тамойили;
- индивидуал-дифференциал ёндашув тамойили.

6. Тегишли долзарб методологик ёндашув ва тамойилларни танлаш, шунингдек, моделлаштириш усулини қўллаш педагогларни тайёрлаш жараёнининг мақсад ва мазмунини аниқлаштириш, ушбу жараённинг прогнозланган натижаларини аниқлаш ва шу асосда ахборот-коммуникация технологиялари жиҳатидан педагогик лойиҳалаштиришга тайёр бўлишни шакллантириш ва ривожлантириш учун тегишли моделни ишлаб чиқишга

имкон берди. Ушбу модел ўз мазмунига кўра табиий равишда ўзаро боглик бўлган тузилмавий таркибий қисмлар (педагогик шароитлар, диагностика воситалари), компонентларнинг (методологик йўналтирилган, синтез-йўналтирилган, амалий йўналтирилган, интегратив-йўналтирилган, акмеологик йўналтирилган, мотивацион, когнитив (билим), ахборот-коммуникатив, индивидуал-психологик) изчил тизимидир.

Моделдаги асосий компонент ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик қобилиятларига мувофиқ ўз педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш ва лойиҳа фаолиятини бошқариш бўйича янги билим элементлари билан бойитиш йўли билан педагог кадрлар малакасини оширишда тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни назарда тутди. Бундан ташқари, унинг мазмуний таркиби “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” махсус тайёрланган ўқув модули билан ҳам белгиланади.

7. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг тайёрланган моделининг асосий таркибий қисмини амалиётга татбиқ этишнинг муҳим жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

- тингловчилар эътиборини касбий ўсишда ахборот-коммуникация технологияларининг муҳим аҳамиятига қаратиш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда тингловчиларнинг лойиҳавий педагогика соҳасидаги педагогик лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари мотивациясини ривожлантириш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш жараёнида аниқ касбий вазифаларни белгилаш ва ҳал қилиш.

8. Ахборот-коммуникация технологиялари нуқтаи назаридан педагогик лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асосларини таҳлил қилиш асосида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида ўзгариш динамикасини

объектив назорат қилиш мақсадида махсус диагностика воситаси ишлаб чиқилди:

- Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг ўзини ўзи баҳолаш сўровномаси - 20 та саволдан иборат ва ҳар бир савол учун учта жавоб варианты мавжуд;

- Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни баҳолаш учун кузатиш варақаси - 20 та тавсифдан иборат ва ҳар бир тавсиф учун учта жавоб варианты назарда тутилган.

Натижаларни қайта ишлаш ва изохлашни енгиллаштириш учун педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлик даражасининг илгари белгиланган мезонларини ҳисобга олган ҳолда калитлар тайёрланди.

Бундан ташқари, диагностика диапазонини кенгайтириш учун педагогик амалиётда қўллаш имкониятларини кенгайтириш учун тайёрланган инструментарий тегишли шкалаларни назарда тутди:

- педагог тайёрлигининг мотивацион компоненти;
- педагог тайёрлигининг когнитив компоненти;
- педагог тайёрлигининг ахборот-коммуникатив компоненти;
- педагог тайёрлигининг индивидуал-психологик компоненти.

III-БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРОИТИДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

3.1. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини самарали амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини бир қатор ташкилий-педагогик шароитларни таъминлаш орқали муваффақиятли амалга ошириш мумкин бўлиб, уларни қуйидаги иккита шартли гуруҳга бўлиниши мақсадга мувофиқдир:

- биринчи гуруҳ - педагогнинг ўзаро боғлиқ фаолиятининг икки томонлама жараёни (педагогик фаолият ва педагог кадрларни тайёрлашни ташкил этиш ва бошқариш бўйича фаолият) ва педагогик фаолияти (таълим ва ўз-ўзини ташкил этиш фаолияти, ўз-ўзини бошқариш) учун шароитлар;

- иккинчи гуруҳ - бу асосида таълим ва ўқитишнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлиги ётувчи таълим фаолиятини ташкил этиш тизимининг ишлашини таъминлайдиган шароитлар [176].

Танланган шароитларнинг яқин ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, уларни гуруҳларга бўлиниши фақат шартли бўлади. Амалда бу шароитлар гуруҳлари ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқдир.

Уларни батафсилроқ кўриб чиқиш тавсия этилади. Шундай қилиб, шароитларнинг биринчи гуруҳига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тингловчи компетентлигининг юқори даражаси. Тингловчи ўз фанларидаги муаммолардан хабардор бўлибгина қолмасдан, балки:

- кенг дунёқарашларга эга бўлиши;
- таълим олувчиларга таълим бериш технологиясига эга бўлиши;
- амалий педагогик фаолият тажрибасига эга бўлиши;

- энг сўнгги илмий маълумотлардан фойдаланиши;
- индивидуал ва гуруҳ ишининг методологиясини мукамал ўзлаштириши;
- машгулот давомида гуруҳда нормал иш муҳитини яратиши;
- таълим олувчиларнинг таълим эҳтиёжлари ва уларнинг ҳақиқий қобилиятлари ва имкониятлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиши;
- тингловчилар ўзларининг мустақил бошқарувини рағбатлантирадиган, ўз фаолиятини ташкил этадиган таълим фаолиятини бошқариши;
- таълим олувчилар билан устунлик позициясидан эмас, балки ёрдамчи, ҳамкасб нуктаи назаридан муносабатларни куриши;
- таълим олувчига ўз таълими жараёнини ташкиллаштириш ва бошқаришда ёрдам бериши;
- таълим жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштиришнинг замонавий усуллари мукамал эгаллаши;
- касбий жиҳатдан муҳим фазилатларга эга бўлиши (хайрихоҳлик, бағрикенглик, сабрлилик, инсонпарварлик ва бошқалар).

Тингловчининг касбий маҳорати унинг билимларини доимий равишда кенгайтириш, тўлдириш ва янгилаш, янги кўникма ва малакаларга эга бўлиш ҳамда шахсий фазилатларни такомиллаштиришга йўналтирганлиги билан ҳам шартлашган бўлади [41, 56, 64, 202].

2. Тингловчини тайёрлашга ҳозирлиги, шу жумладан, фаол таълим фаолияти учун ижобий мотивацияга эгаллиги, айнан ушбу турдаги фаолиятни мақсад қилиб олганлиги. Шу билан бирга, бу мақсадга йўналиш одатда тингловчиларнинг амалий тажрибаси асосида, фан ва амалий муаммоларни оммалаштириш орқали, олдинги ўқув курсларида, педагоглар ва бўлажак тингловчилар жамоасини ўқув режалари ва малака ошириш курслари ҳақида олдиндан хабардор қилиш орқали яратилади. Буларнинг барчаси педагоглар, бўлажак тингловчилар орасида бундай фаолият учун психологик тайёргарликни шакллантиришга ёрдам беради. Тажриба шуни кўрсатадики,

тингловчиларнинг таълим олишга тайёрлиги бошқа муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади:

- тингловчининг зарур маълумотларни ўзлаштириши, қайта ишлаши ва қўллаш қобилияти;
- мустақил иш кўникмаларига эга бўлиши;
- ўз таълим фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича малакага эга бўлиши;
- онгли равишда ўз-ўзини ўқитишга ва ўз-ўзини ўқитиш кўникмаларга эга бўлишга интилиш ва бошқалар [81, 89, 91, 209].

3. Тайёрлаш жараёнини ахборот билан таъминлаш. Маълумки, тайёрлаш жараёни ўзига хос бўлган муайян ахборот доирасида амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу жараённинг самарадорлиги ахборот доираси сифатига боглиқ бўлиб, уларнинг таъсири ахборот алоқаси чизигининг деярли барча йўналишларига таъсир кўрсатиб, малака ошириш тизимида тингловчиларга таълим бериш жараёнида амалга оширилади. Малака оширишдаги тингловчиларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг омили сифатида маълумотга эга бўлиш сабабли бартараф этилувчи тизимдаги ноаниқлик даражасини ҳисоблаш мумкин. Бу даража тўсиқлар манбаи таъсирини бартараф этиш самарадорлигига боглиқ ва қуйидагиларни таъминлайди:

- тайёрлаш жараёнида аниқ ва иложи бўлса, энг тўлиқ маълумотдан фойдаланиш;
- амалий педагогик фаолият тажрибасини батафсил таҳлил қилиш;
- илм-фан ва амалиётнинг сўнгги ютуқлари асосида мутахассисларни тайёрлаш мазмунини шакллантириш;
- педагоглар томонидан тингловчиларнинг мақсади, мос ва реал ўқув эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларига мос келадиган тайёрлаш шакллари танланиши;
- тайёрлашнинг интерактив усуллари фаол қўллаш ва ушбу жараёнда тажриба ва ахборот алмашиш учун қулай муҳит яратиш;
- ахборот манбаларидан эркин фойдаланишни таъминлаш;

- тингловчилар томонидан мустакил ўрганиш, зарур маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашни осонлаштириш [22, 30, 184].

Юқоридаги ташкилий-педагогик шароитлар иккинчи гуруҳ шароитлари билан чамбарчас боглик. Ушбу алоқани органик деб ҳисоблаш мумкин, чунки педагог кадрлар малакасини ошириш марказларидаги таълим жараёни айнан тайёрлаш жараёнини таъминлашга қаратилган. Биринчисининг такомиллашуви иккинчисининг ҳам такомиллашувига олиб келади ва аксинча. Шундай қилиб, ушбу шароитларни таълим жараёнини такомиллаштириш шароитлари нуктаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу асосда иккинчи гуруҳнинг шароитларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Моддий-техник таъминот. Бунда сўз фақатгина тингловчиларни тайёрлаш жараёнини етарлича моддий-техник таъминлаш ҳақида борибгина қолмасдан, балки бутун малака ошириш марказларининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутати. Чунки ушбу марказлар фаолиятининг барча йўналишлари у ёки бу кўринишда олий таълим педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини таъминлашга қаратилган. Моддий-техник таъминот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув машгулотларни ўтказиш учун зарур воситалар билан таъминлаш;
- тайёрлашнинг кўргазмалилигини ва замонавий техник воситаларини таъминлаш;
- тингловчиларнинг ахборот манбаларига эркин киришини таъминлаш учун шароит яратиш (кутубхоналарнинг китоб фонди, маълумотлар базаси, педагогик тажрибанинг картотекаси, Интернетни ва бошқаларни);
- марказларнинг илмий-тадқиқот ва экспериментал тадқиқот ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- тингловчилар учун дам олиш ва мустакил ишлаш учун шароит яратиш;
- педагоглар учун моддий рағбатлантириш ва олимлар, ижодкор педагог-амалиётчилар билан ҳамкорликни рағбатлантириш [70, 203, 220].

2. Дастурий-методик таъминот. Бу ўринда умуман олий таълим педагог кадрлар малакасини ошириш марказларининг фаолияти ҳақида сўз бориб, чунки дастурий-методик таъминотда ўқитиш ва тайёрлашнинг мазмунини, таълим фаолиятини ташкиллаштириш тизимининг йўналиши, таълим фаолиятини ташкил қилиш тизимининг йўналиши, яъни кўрсатилган таркибни амалга ошириш учун воситалар ва шароитлар акс эттирилади. Олий таълим педагог кадрлар малакасини ошириш марказларида таълим жараёнини дастурий-методик таъминлашни такомиллаштириш узлуксиз ва маълум маънода туганмас ҳисобланиш мумкин. Бунинг сабаби мутахассисларни ўқитишнинг мазмуни динамиклиги, фан ва педагогик амалиётнинг ривожланиши, ижтимоий ва шахсий таълим эҳтиёжлари ва талабларининг ўзгарувчанлиги таъсирида доим ўзгариши зарурати мавжудлигидир. Тайёрлаш жараёнини дастурий-методик таъминотни узлуксиз такомиллаштириш малака ошириш тизимида олий таълим педагог кадрларни ўқитишнинг динамик мазмунига хосдир. Бундан ташқари, тайёрлаш жараёнини дастурий-методик таъминотини такомиллаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тингловчиларнинг таълим эҳтиёжлари, қобилиятлари ва имкониятларини диагностика қилиш воситалари;

- малака оширишдаги тингловчилар таълими соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини олиб бориш, алоҳида фанларни ўқитиш методикаси, олий таълим муассасалари фаолияти ва бошқарувини ташкил этиш, педагогларнинг турли даражаларида педагоглар билан малака оширишнинг турли даражаларида услубий иш олиб бориш ва бошқалар;

- педагогик тажрибани ўрганиш, педагогларнинг касбий муваффақиятсизликлари сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- амалий тажрибаси ва шахсий таълим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда педагогларни тайёрлашнинг самарали замонавий методикалари ва технологияларини жорий этиш;

- ўқув курсларида ўқув самарадорлигини ва унинг келажакда тингловчиларнинг амалий педагогик фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

- тайёрлаш таркибига ва уни тақдим этиш воситаларига тегишли ўзгартириш ва тузатишлар киритиш;

- тайёрлаш жараёнини ва уни тақдим этиш воситаларини тингловчиларнинг билишга қизиқишларини рағбатлантиришга йўналтириш;

- таълим эҳтиёжларини ошириш, мутахассисларнинг касбий ва умумий маданиятини бойитиш ва ривожлантириш [47, 161].

3. Ходимлар билан ишлашни такомиллаштириш. Маълумки, таълим берувчиларнинг юксак даражадаги компетентлиги каби тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш омилини амалга ошириш, фақат малака ошириш марказлари ходимлари билан ишлашни такомиллаштириш асосида амалга оширилиши мумкин. Бу ўринда, мутахассисларни ўқитиш самарадорлиги нафақат педагог кадрларнинг ҳаракатларига, балки олий таълимнинг барча илмий-педагогик жамоаси ҳаракатларига, уларнинг мақсадли, мувофиқлаштирилган ўзаро муносабатларига боглиқ эканлиги ҳақида сўз боради. Шу муносабат билан ходимлар билан ишлашни такомиллаштиришга қуйидагилар киради:

- олий таълим муассасаларининг фаолият йўналиши ва эҳтиёжларига мувофиқ равишда педагог кадрлар таркибини танлаш ва жойлаштириш;

- олий таълим педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш орқали ҳомийлик қилиш, бунда педагог кадрларни ўқитиш назарияси ва технологияси, алоҳида фанларни ўқитиш методикаси соҳасида махсус тайёргарликни талаб этади;

- олий таълим педагог кадрларнинг умумий маданият даражасини ошириш, уларнинг янги ва истикболли ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисидаги кенг хабардорлиги учун шароит яратиш;

- олий таълим педагог кадрларнинг ахборот манбаларига эркин киришини ва ахборот алмашиш, илмий-амалий анжуманларни ўтказишда,

муаммоли семинарлар, учрашувлар, муҳокамаларда иштирок этишини таъминлаш ва ҳ.к. [162, 180].

Педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёни иштирокчилари бўлган тингловчилар ҳаракатларининг мувофиқлиги муайян вазифаларни ҳал этишга тўғри йўналишни назарда тутди. Шу муносабат билан, педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнининг ташкилотчилари, таълим жараёни раҳбари ҳаракатларининг аҳамиятига алоҳида урғу бериш лозим бўлиб, бундан келиб чиқиб ҳар бир олий таълим педагог кадрнинг ва бутун педагог кадрлар жамоасининг касбий салоҳияти ва таълим жараёнининг стратегияси асосида педагоглар ҳаракатининг мувофиқлигини таъминлаш, мақсадга эришиш эҳтимолини оширишга ёрдам берадиган талабларнинг бирлигини таъминлаш керак бўлади [171].

Бундан ташқари, ходимлар билан ишлаш жараёнида олий таълим муассасалари таркибидаги ижобий микроклимнинг ўрни ошади. Педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнининг мақсадларига эришиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш таълим берувчиларнинг ўз ишлари натижаларидан, жамоа аъзоларининг бир бирларига ёрдамидан, ўз ҳаракатларининг – таълим олувчиларнинг малакасини оширишдан умумий манфаатдорлиги асосидагина амалга оширилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бундай фазилатларни ривожлантириш, инсонпарварлик, бағрикенглик, мулоқот ва ҳамкорлик учун очиқлик ва ҳоказо каби шахсий фазилатларини бойитадиган, шахсларнинг шахсий ривожланишига ҳисса қўшадиган шароитларни яратиш муҳимлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ходимлар билан ишлашни такомиллаштириш муайян ташқи таъсирларни ўз ичига олади, бу педагогнинг онгли равишда ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзини такомиллаштириш учун ички кучини амалга ошириш учун шароит яратишга қаратилган. Ушбу ташқи (шахсга нисбатан) таъсир, аслида, шахснинг ички мотивлари ва

имкониятларини ўз касбий даражасини оширишга қаратган ҳолда сафарбар қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини муваффақиятли амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари нафақат икки алоҳида гуруҳнинг ҳар бирида, балки ўзаро ҳам бир-бирига боғлиқдир. Яъни уларни амалга ошириш фақат шу муносабатлар асосида амалга оширилиши мумкин ва комплекс ёндашувни назарда тутати. Тайёрлаш жараёнини ташкил этишда бундай комплекс ёндашувни амалга ошириш ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришнинг шаклланишига ва ривожланишига, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган моделни муваффақиятли амалга ошириш учун асос ва воситадир. Бундан ташқари, ушбу жараёнда тайёргарлик жараёнини ташкил этиш тизими ишининг бошлангич босқичи ҳисобланади ва бу ўринда бошқарув бутун тизимга хос бўлган органик, мажбурий вазифа сифатида қаралади ва ушбу тизимга хос ички тенденцияларга мувофиқ яхшиланиш йўналиши бўйича ўзини ривожлантиришни таъминлайди [177].

Ушбу тизимнинг функционал, даврий табиати - тайёрлаш жараёни, унинг такомиллаштирилиши тизимни аслида янада юқори ва мукаммал даражада ташкил этишга, яъни кейинги даврнинг бошлангич босқичига олиб келади. Бу ерда синергетик қонуниятнинг аниқ намоён бўлишини кузатиш мумкин. Тизимнинг келажакдаги, мукаммал ҳолати унинг ҳозирги ҳолатини белгилайди ва бугунги кунда амалга оширилаётган таълим жараёнидаги ўзгаришлар тизимнинг келажакдаги ташкилоти томонидан белгиланади [21, 81].

3.2. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш технологияси

Ушбу диссертация тадқиқотининг аввалги бўлимлари мазмуни ва хулосаларига асосланиб, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш технологиясини батафсилроқ кўриб чиқиш ўринли деб ҳисобланади.

Дастлаб биз ушбу технологиянинг аҳамиятини, етакчи гоёсини ва асосий вазифаларини таъкидлаймиз. Бунда асосий эҳтиёж ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни зарур даражада самарали ривожлантириш мақсадида педагог ва тингловчининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнини оптималлаштириш, биринчи шахс иккинчи шахсга самарали таъсир кўрсатишига қаратилган гуманистик гоёга асосланади. Бунинг амалга оширилиши педагоглардан мақсадга эришиш учун ижодий, ахлоқий-эстетик таъсир ўтказиш имконини берадиган ёндашувни, кўникма ва қобилиятларни талаб қилади. Бунинг учун педагогнинг тўғри муносабатларни ташкил қилиш, самарали ҳамкорлик қилиш санъатини эгаллаш ва мукамаллаштириш бўйича доимий иш олиб бориши талаб қилинади. Бундан ташқари, бундай ёндашувнинг асосий гоёси, тайёрлаш жараёнида таълим олаётган педагогларга амалиётда янада самарали таъсир кўрсатишини таъминлаш, уларнинг ижодий салоҳиятни уйғотиш ҳисобланади [134, 85, 139].

Педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнида тингловчилар билан мунтазам ишлаш натижасида мавжуд бўлган бўшлиқларни тажрибали мутахассислар раҳбарлиги остида назарий билимлар билан тўлдириш имкониятининг мавжудлиги аҳамиятли асос ҳисобланади. Айнан бу ерда педагогик фаолиятнинг одатий ва индивидуал-ижодий табиати ўртасидаги тегишли қарама-қаршиликларни самарали тарзда бартараф этиш мумкин бўлиб, бу эса тегишли машғулотлар тизими ва бошқа жуда кўп турли хил воситалар орқали амалга ошириладиган ишларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бундай ёндашув тайёрланаётган педагогнинг ўз-ўзини англашнинг ва

педагогик лойиҳалашнинг индивидуал техникасининг янги, ижодий даражасига олиб келади.

Технологиянинг мазмуни энг аввало тингловчининг устувор мавқеига эга бўлиши лозимлигини назарда тутиб, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш каби мураккаб ишдаги муваффақият тингловчилар билан самарали ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатиш бўйича шахсий кўникмалари ва ижодкорлигига боглиқ бўлади. Шу муносабат билан тайёрлаш жараёни диққат марказида тингловчининг шахси, лойиҳалаштириш фаолиятига ижодий ёндашувни фаоллаштириш туриши керак. Мақсадга йўналтирилган кўрсатма малака ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни ривожлантириш технологиясини бутунлай қамраб олади. Бунда унинг аҳамиятли қиммати тингловчини тайёрлаш давомидаги фаолияти, ўз фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос бир асос эканлигида ҳисобланади. Айнан бу даврда бўлгани учун бу йўналиш амалга оширилиб, ижобий туртки пайдо бўлиб, тегишли асослар қўйилади [96, 131, 193].

Юқорида келтирилган мақсадга мувофиқ асосий вазифаларни белгилашимиз мумкин:

- ўз лойиҳалаштириш технологиясини такомиллаштиришга ижобий муносабат ва онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- педагогик амалиётда самарали лойиҳа фаолиятига кўмаклашадиган назарий билимларни ўзлаштириш;
- ахборот-коммуникация технологияларининг касбий-педагогик фаолиятида ва хусусан педагогик лойиҳалаштириш фаолиятидаги аҳамияти ҳақидаги замонавий тушунчаларни шакллантириш;
- олий таълим педагог кадрларнинг педагогик лойиҳалаштириш ва лойиҳа фаолиятини бошқаришнинг мақсади, мазмуни, усули ва воситалари тўғрисидаги психологик-педагогик билимларини ривожлантириш;

- педагогик жараёни ташхислаш, педагогик режани прогнозлаштириш ва ташкил этиш ҳамда лойиҳа фаолиятининг натижаларини баҳолаш учун ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича кўникмаларини такомиллаштириш;

- педагогик лойиҳалаштириш соҳасидаги илмий изланиш ва кидирув-тадқиқот ишлари, илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш учун лойиҳа гуруҳини шакллантириш кўникмаларини ривожлантириш [172].

Ушбу технологиянинг мазмуни ўтмишдаги илгор педагогик ютуқларни, замонавий илмий ишланмаларнинг амалда татбиқ қилинаётган муаммоларини таҳлил қилиш, олий таълимдан кейинги таълим имкониятларини прогнозлаш, шу жумладан, лойиҳа фаолиятини ташкил этишда амалий тажриба ва қимматли гоёларни ҳисобга олган ҳолда, малакасини ошириш жараёнларини прогнозлаш имкониятларини тизимли таҳлили асосида аниқланади.

Бундан ташқари, малака ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни ривожлантириш технологиясига доир қуйидаги асосий талабларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тингловчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқлиги;
- амалиётдаги лойиҳалаштириш фаолиятининг реал педагогик воқеликка яқинлаштирилиши;
- педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш;
- педагог-амалиётчининг педагогик тажрибасига йўналганлик;
- педагогик маҳоратнинг барча таркибий қисмларини рационал мослиги;
- педагогик лойиҳалаштириш учун махсус чоралар амалиётига татбиқ қилиниши билан боғлиқ энг кам харажатлар [82, 139, 150].

Белгиланган талабларга риоя қилиш малака ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни самарали ривожлантириш имконини беради.

Таклиф этилаётган технология бир қатор хусусиятларга хос бўлиб, улардан бири – муаммога нисбатан яхлит ёндашувни амалга ошириш механизмига асосланган бутун фаолият мазмунини интеграциялаш ҳисобланади. Бу тайёрлаш давомида ишларни педагогик техниканинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан ташкил этишни назарда тутди. Бундан ташқари, турли фанлар ва уларнинг тармоқларининг (фалсафа, педагогика, психология, физиология, риторика, конфликтология ва бошқалар) яқинлаштириш ва алоқадорлиги ажралмас ҳисобланади. Шу билан бирга, унинг дифференцияси амалга оширилиб, бу тизим шаклланиши жараёнини амалга ошириш учун ҳам зарурдир. Бир бутунлик ёндашувини жорий этиш таълим олаётган педагогларга барча педагогик ҳодисалар, педагогик лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиётда мавжуд бўлган қийинчиликларни тушуниш имконини беради.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга (мотивацион, когнитив, ахборот-коммуникатив, индивидуал-психологик компонентлар) тайёр бўлишнинг таркибий компонентларини аниқладик. Ушбу компонентларни тингловчиларни тайёрлаш ва ривожлантириш жараёнида кўриб чиқиш асосий мақсадга эришишнинг энг муҳим вазифасидир.

Ушбу таркибий қисмларни тайёрлашда эътиборга олиш тегишли мавзуларни мунтазам ёритишни, тингловчиларнинг педагогик лойиҳалаштиришга нисбатан тушунчаларини тўлдиради ва кенгайтиришни назарда тутди.

Масалан, “Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришнинг назарий-услубий асослари” мавзусини ёритишнинг механизми қуйидагилар ҳисобланади: терминологик аппарат педагогик лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мазмунини кўриб чиққандан сўнг “Педагогик лойиҳалаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти” ва “Педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари” каби мавзулардаги саволлар кўриб чиқилиб, бу ушбу

муаммони бир бутунликда идрок этиш ва англаш, тегишли кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлайди.

Худди шу тарзда, бошқа мавзуларнинг табиий интеграцияси юз беради. Бундан ташқари, барча мавзуларнинг асосийсига - педагогик лойиҳалаштиришга тайёр бўлишнинг таркибий компонентларига тегишли мувофиқлиги мавжуд. Ушбу контекстда интегратив ёндашувнинг амалга оширилиши таклиф этилган иш мазмунини тингловчининг касбий малакасини ошириш билан уйғунлашишини англатади. Шу асосда муваффақиятли педагогик лойиҳалаштиришга тайёр бўлишнинг касбий фаолият учун самарали ролини таъкидлаш ўринлидир. Кўриниб турибдики, ушбу йўналиш асосан малака оширишдаги тингловчиларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилганлиги одат тусига кириб қолганлиги туфайли, маълум даражада бошқа компонентларини эътиборсиз қолдирилиши сабабли интеграция жараёнини амалга оширишни қийинлаштиради.

Шу муносабат билан педагог ходимларнинг ўқитувчилар, бошқарув ва методик таркибининг тегишли йўналишга эга бўлиши зарур бўлади. Бу ўринда малака ошириш жараёнида тингловчилар тайёрлашга алоқадор бўлган барча иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари касбий маҳоратни ривожлантиришнинг барча ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ҳамда тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантиришга керакли эътиборни қаратиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув объектив равишда муқаррар ва келажакда педагоглар таркибини ҳар томонлама такомиллаштириш масаласида табиий ва олдиндан белгиланадиган бўлади [46, 89, 148].

Таъкидлаш жоизки, интегратив ёндашув нафақат малака ошириш жараёнида, балки курслар орасидаги даврлар мобайнида ҳам фаол қўлланилиши керак. Чунки, ушбу иш турли семинарлар, конференциялар, ижодий учрашувлар, турли муаммолар бўйича ташаббускор гуруҳларнинг учрашувларида ва бошқаларда ягона тартибда давом этиб келади. Барча ички

ва ташки мазмуний муносабатларни кенг қўламли тарзда акс эттирувчи интегратив ёндашувнинг татбиқ этилиши, ушбу технологиянинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Интеграциясиз барча ишларнинг маъноси йўқолади ва мазкур ишни тизимли деб аташ имкони бўлмасдан, у дунёкарашни кенгайтирувчи, бироқ мутахассиснинг ижодий ўсишига камдан кам қўмак берувчи оммавий маърузага ўхшаш бўлиб қолиши мумкин.

Технологиянинг ўзига хос хусусияти назарий билимларни минималлаштириш ҳамда бир вақтнинг ўзида прагматик ёндашувни кенг қўллаш ҳисобланади. Бу муаммонинг назарий асослари олий педагогика мактабида яратилганлиги билан боғлиқ. Тайёрлаш жараёнида мавжуд бўлган билимларни янгилаш, чуқурлаштириш ва тизимлаштириш зарур бўлади. Энг муҳими, малака оширишдаги тингловчининг педагогик амалиётдаги билимларини педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг тегишли таркибий компонентларини ривожлантириш орқали татбиқ этиш муаммоси ҳисобланади. Бу бир томондан, педагогик лойиҳалаштириш учун тингловчининг етарли даражада тайёрлигига эришишга, бошқа томондан эса уни ушбу мураккаб жараённинг техникаси, тайёрлаш усулларига ўргатиш имконини беради. Шундай қилиб, назария ва педагогик амалиёт орасидаги масофа қисқаради, бу эса замон талаби ва маълум назарий тамойилларни онгли равишда бажариш кафолати ҳисобланади [94, 186].

Технологиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири, фарқлашни жорий қилиш бўлиб, бу албатта мақсадга мувофиқдир. Табиий бўлмиш даражага қўшимча равишда стажни қўллашни таклиф этамиз. Бизнинг нуқтаи назаримиз шуни англатадики, турли педагогик стажга эга бўлган педагогларга бир мунча фарқли ёндашув лозим. Хусусан, аҳамиятли педагогик стажга эга бўлган, шаклланган, барқарор қарашларга ва позицияга эга бўлган малака оширишдаги тингловчилар билан ишлар педагогик ўзаро ҳамкорлик жараёнида маълум бир стереотиплар ҳамда колипларни ва ҳаттоки тингловчилар билан муносабатдаги деформацияларни енгишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Ёш тингловчиларни эса педагогик лойиҳалаштиришда

ҳаракатнинг тайёр ечимларни олишдан кўра, педагогик таффаккурни фаол ривожлантиришнинг зарурлигига, яъни қарор қабул қилишда онгли равишда мустақилликни фаоллаштиришга йўналтириш лозим бўлади.

Тингловчиларнинг муҳим тоифаси бу 10-15 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган педагогларнинг ўртача ёши, одатда, ижодий ўсиш учун тажриба, куч, саломатлик ва лойиҳалаштириш кўникмаларига эга бўлган энг мақбул давр ҳисобланади. Бундай тоифа билан ишлашнинг асосий жиҳати - доимий равишда ижодкорликка йўналтириш, ахборот-коммуникация технологиялари шароитида ўз потенциални очиб беришдир. Ижодкорликка ўргатишнинг илоҳи йўқлиги маълум бўлсада, аммо ҳаттоки қисқа муддатли бўлган малака ошириш даврида педагогик лойиҳалаштиришдаги самарали ривожланиш учун асос яратиб бериш имкони мавжуд бўлади.

Технологиянинг ўзига хос томони унинг доимий тажриба алмашинувига ва бир ёки бир неча лойиҳа муаммоларига ечимни жамоавий тарзда қидиришга йўналганлигида ҳисобланади. Иккилик (диада) ёки учликларда (триада) ишлаш буни энг яхши тарзда бажаришга имкон беради. Ҳамкасбдан эшитганлари педагогик лойиҳалаштиришнинг ўзида тайёрликнинг шаклланганлиги даражаси ҳақида ўйлашга, шахсий хатти-ҳаракатларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишга ёки ўз позициясини тубдан ўзгартириши керак деган ҳулосага келишга мажбур қилиши мумкин. Бу ҳолда тайёрлаш жараёни мотивациялашган бўлиб, унинг сифатига таъсир қилади.

Технологиянинг муҳим хусусияти – малака оширишдаги тингловчиларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мақсадли шакллантириш ҳисобланади. У лойиҳа фаолиятида жуда муҳим бўлган тадқиқот қобилиятларини ривожлантириш ва назарий билимларни чуқурлаштиришга қаратилган. Тайёрлаш даврида бевосита тингловчиларни кичик тадқиқотларни ўтказишда жалб қилиш керак, бу эса ўз навбатида соҳада тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун муайян асос яратади.

Технологиянинг ўзига хос хусусияти, шунингдек тингловчиларнинг педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлик даражасини аниқлашнинг

мажбурийлиги ҳам ҳисобланиб, бу ҳар бир педагогнинг эҳтиёжларини имкон қадар кўпроқ қондириш, ўқув юкларини аниқлаш, кейинги ривожланишни лойиҳалаштириш, эришилган натижаларни белгилаш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Бу эса ўз-ўзидан таълимни давом эттириш учун кучли рағбат бўлади.

Технологиянинг характерли хусусияти узлуксиз такомиллашиш учун кўрсатмаларни шакллантириш ҳисобланади. Такимиллашиш учун чегаралар мавжуд эмаслигига ишончли далилларни танлаш, педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни ривожлантиришнинг тўхтаб қолиши, энг аввало, ахборот-коммуникация технологиялари, педагогик лойиҳалаштириш соҳасидаги илм-фаннинг жадал ривожланиши сабабли муваффақиятсизликларни келтириб чиқаришини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бундай кўрсатма малака оширишдаги тингловчининг ушбу йўналишдаги ишларга тайёрлигини мотивацион таркибий қисмини амалга оширишни таъминлайди ва бундай тадбирларда иштирок этиш истагини кучайтиради.

Бу йўналишдаги анъанавий иш шакллари билан бир қаторда, малака оширишдаги тингловчиларга нисбатан шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, бирламчи диагностикаси натижаларига кўра индивидуал таълим йўналишларини яратиш мақсадга мувофиқдир, бу ўз навбатида таёрлаш дастурини ва индивидуал дастурларни янада такомиллаштириш имконини беради [179].

3.3. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида малака ошириш жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари

Ушбу диссертациянинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделининг эмпирик жиҳатдан текшируви ташкил қилинди ва ўтказилди.

Моделни эмпирик синовдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизимидаги педагог ва

рахбар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Бош илмий-методик маркази базасида 8 ҳафта давомида педагогларни тайёрлаш (малакасини ошириши) давомида амалга оширилди.


Эмпирик синов давомида ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини ва асосий таркибий қисм сифатида махсус ишлаб чиқилган “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” махсус ўқитиш модули татбиқ этилди.

Моделнинг эмпирик синовида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида (1-дан 9 йилгача педагогик стажга эга бўлган) педагогик фаолиятини олиб бораётган, 24 ёшдан 35 ёшгача (ўртача ёши 29,4 ёш) бўлган, эркак ва аёл (аёллар - 149 киши / 50,7%, эркаклар - 145 киши / 49,3%) жинсига мансуб 294 киши иштирок этди (3.1-расм, 1-илова).



3.1-расм. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни шакллантириш ва ривожлантириш модели самарадорлигини эмпирик текшириш танлов гуруҳининг жинс кўрсаткичлари бўйича тавсифи (n=294)

Тайёрланган моделнинг самарадорлигини ўрганиш, объектив таққослаш учун тадқиқотнинг танлов гуруҳи иккига (тажриба ва назорат гуруҳларига) бўлинди (3.2-расм, 2-илова):



3.2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг сон кўрсаткичлари тавсифи (n=294)

- тажриба гуруҳи - 142 киши (48,3%);
- назорат гуруҳи - 152 киши (51,7%).

Шу билан бирга, тажриба гуруҳига мансуб педагогларнинг малакасини ошириш тайёрланган моделни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб, бу жараёнда назорат гуруҳи педагоглари иштирок этмади.

Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришнинг назарий-услубий асослари бўйича диссертацион тадқиқотнинг биринчи бобида амалга оширилган таҳлил асосида педагоглар малакасини ошириш жараёнида ўзгариш динамикасини объектив назорат қилиш мақсадида бир махсус диагностик инструментарий ишлаб чиқилди:

- Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликнинг ўз-ўзини баҳолаш сўровномаси - 20 та саволдан иборат ва ҳар бир савол учун учта жавоб варианты мавжуд (3-илова);
- Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрликни баҳолаш учун кузатиш варақаси - 20 та тавсифдан иборат ва ҳар бир тавсиф учун учта жавоб варианты назарда тутилган (4-илова).

Натижаларни қайта ишлаш ва изоҳлашни енгиллаштириш учун педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштиришга тайёрлик даражасининг илгари белгиланган мезонларини ҳисобга олган ҳолда калитлар тайёрланди.

Бундан ташқари, диагностика диапазонини кенгайтириш учун педагогик амалиётда қўллаш имкониятларини кенгайтириш учун тайёрланган инструментарий тегишли шкалаларни назарда тутди:

- педагог тайёрлигининг мотивациявий компоненти;
- педагог тайёрлигининг когнитив компоненти;
- педагог тайёрлигининг ахборот-коммуникация компоненти;
- педагог тайёрлигининг индивидуал психологик компоненти.

Ушбу шкалаларни ҳисобга олган ҳолда олинган натижаларнинг талқини педагогнинг ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойиҳалаштириш тайёрлигини ташкил этувчи таркибий компонентларни ўрганиш, мумкин бўлган кийинчиликларни аниклаш, индивидуал муаммоли масалаларни аниклаш, ривожланиш жараёнини тартибга солиш ва бу билан умумий тайёргарлик самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тайёрланган инструментарий воситасидан фойдаланиб, тадқиқотнинг бутун танлов гуруҳи ($n=294$) билан уч қарра текширув ўтказилди:

- биринчи сўров педагоглар малакасини ошириш бошланишида ўтказилди;
- иккинчи сўров педагогларнинг ўзлаштириши оралик назоратидан сўнг ўтказилди;
- учинчи сўров педагогларнинг ўзлаштириши якуний назоратидан сўнг ўтказилди.

Сўров натижалари ягона жадвалда қайта ишланган ва умумлаштирилган (5-илова). Шу билан бирга, ҳар бир респондент бўйича иккита инструментарий қўлланиши натижалари асосида икки кўринишдаги баҳолар олинган. Талаб доирасидаги математик-статистик таҳлилни таъминлаш учун ушбу баҳолар қуйидаги формулага асосан ягона, ўрта статистик баҳога ўтказилди:

$$P = (P_1 + P_2) / 2$$

(2.1)


бунда:

P – ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойихалаштиришга тайёрликнинг ўртача статистик баҳоси;

P_1 - Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойихалаштиришга тайёрликнинг ўзини ўзи баҳолаш сўровномаси ёрдамида олинган олинган баҳолар;

P_2 - Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида педагогик лойихалаштиришга тайёрликни баҳолаш учун кузатиш варақаси асосида олинган баҳолар.

Юқорида кўрсатилган формула асосида амалга оширилган ҳаракатлар белгининг учраш частотаси бўйича таҳлилни амалга ошириш имконини берди (3.3-расм, 6-илова).



3.3-расм. Педагоглар малакасини ошириш бошланишида таққослаш гуруҳларидаги белгиларнинг учраш частотаси таҳлили натижалари (n=294)


Шундай қилиб, танлов гуруҳининг (n=294) малака ошириш бошланишидаги текшириш натижалари, ҳам тажриба (n=142) ва ҳам назорат

(n=152) гуруҳларидаги педагогларнинг кўпчилиги педагогик лойиҳалаштириши бўйича ўрта даражага эга бўлганлигини (тажриба гуруҳи - 93%/132 киши, назорат гуруҳи - 96,1%/146 киши) кўрсатди. Қолган респондентлар эса педагогик лойиҳалаштириши бўйича ўртадан паст даражадаги даражага эга:

- тажриба гуруҳи - 7% (10 киши);
- назорат гуруҳи - 3,9% (6 киши).

Баҳоланган хусусиятнинг учраш частотаси бўйича тақсимлаш, малака ошириш бошланишида таққослаш гуруҳларида педагогик лойиҳалаш учун тайёрлик даражасининг бир хил тақсимланиши ҳақида далолат беради.

Сўров натижаларининг малака ошириш жараёнида педагоглар ўзлаштиришининг оралиқ назоратидан сўнгги кўрсаткичлари белгилар учраши частотасида ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди (3.4-расм).



3.4-расм. Малака ошириш жараёнида педагоглар ўзлаштиришининг оралиқ назоратидан сўнг таққослаш гуруҳларидаги белгиларнинг учраш частотаси таҳлили натижалари (n=294)

